Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ШАҲАР РЎЗНОМАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 10 (7. 399) 1991 йил 15 январь, сешанба Баҳоси 8 тийин.

Бугунги кун нафаси

ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА

● Жумҳурият Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси озиқ-овқат ва халқ истеъмоли молларини сақлаш ҳамда сотиш ишлари устидан тегишли назорат ўрнатиш мақсадида вазирликлар, идоралар, тегишли муассасалар ва ташкилотлар, халқ назорати қўмиталари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимлари, халқ депутатлари, меҳнат жамоаларининг вакилларидан иборат махсус штаблар тузиш тадбирларини белгилади.

● Андижоннинг Эски шаҳар қисмидаги ҳунармандчилик расталари очиқ ҳаво остидаги этнография музейига айлантирилади.

МАМЛАКАТИМИЗДА

● ССЖИ Олий Кенгаши мамлакат Вазирлар Маҳкамасининг раҳбари қилиб молия вазири бўлиб ишлаб келган В. Павловни тасдиқлади. В. Догужиев ва В. Величко Бош вазирнинг биринчи ўринбосарлари, Н. Лаверов ва Ю. Маслюков вазир ўринбосарлари бўлдилар.

● Якшанбадан душанбага ўтар кечаси Литвада нисбатан осойишталик ҳукм сурди. Бутун жумҳуриятда комендантлик соати жорий этилди.

ХОРИЖДА

● АҚШ конгресси президент Ж. Бушга Форс кўрфазида жанговар ҳаракатлар бошлашга ижозат берди.

● Ироқ миллий кенгаши (парламенти)нинг шошилинч мажлисида президент Саддам Ҳусайн тутаётган йўл яқдиллик билан қўллаб-қувватланди.

Саддам Ҳусайн ўз мамлакати фуқароларига урушга тайёр туриш, ҳаётларини қурбон қилиб бўлса ҳам Кувайтни қўлдан бермаслик тўғрисида мурожаат қилди.

Бугунги кун нафаси

ТАНДИР ТЎЛИБ ЁПИЛДИ НОН

БУНДАН икки йил олдин жумҳуриятимиз Дон маҳсулотлари вазирлигини янги кишилар бошқара бошлашди. Буни қарангки, худди шу йилдан бошлаб келажакда нон маҳсулотлари тақчиллиги рўй бериши мумкинлиги ҳақида гап-сўз бўла бошлади. Бу миш-мишларда жон бор эди, албатта. Чунки энди халқдан яширишнинг иложи йўқ эди. Ҳақиқат юзага қалқиб чиққан, ошкоралик ҳаётимиздан чуқур ўрин ола бошлаган давр бошланганди.

Шунинг учун ҳам нон маҳсулотларига талабнинг ошиши чораси олдиндан кўриб қўйилаётган бўлсада, барибир халқ хўжалигининг барча тармоқларида бўлганидек, сингари бу соҳада ҳам буюртмачилар томонидан шартнома мажбуриятларининг бузилиш ҳоллари Тошкент нон тайёрлаш корхоналарининг иш мароминнинг бузилиши ҳавфини туғдириб турарди. Тақчилликнинг олдини олиш учун мамлакатнинг турли минтақаларидаги ун тайёрлаш корхоналари билан узоқ муддатли шартнома тузиш тараддудини кўрдик. Бизни яна бир нарса хотиржам қилиб турарди. У ҳам бўлса тарихда шартномачиларимиз бизнинг юзимизни ерга қаратишмаган эди.

Қурилиш бўйича ҳам талай ишларни бажариш олдимизда турган вазифалардан бири ҳисобланарди. Шу мақсадда зудлик билан қурилиш ишларини жадаллаштирдик. Баъзи бир ишлаб чиқариш ускуналарини таъмирлаш ишларини ниҳоясига етказиш учун астойдил ҳаракат қилдик. Чунки эски ёки носоз жиҳозлар билан эндиликда ҳамшаҳарларимизни нон маҳсулотлари билан етарли миқдорда таъминлаш имконини бўлмай қолган эди. Асосий ишларимиздан бири турли даҳаларда бунёд этилаётган «Иссиқ нон» фирмали дўконига эга бўлган кичик нонвойхоналарни ишга туширишдан иборат бўлди. Бу нонвойхоналарнинг ҳар бири бир кеча-кундуз давомида 5 тоннадан 8 тоннагача бўлган маҳсулот тайёрлаш қувватига эга эди.

Ошкора мулоқот

КЎНГЛИНГИЗ ТЎҚ БЎЛСИН

Бундай нонвойхоналар ҳозирда Қорасув, Ал-Хоразмий даҳаларида ҳамда «Ташсельмаш» кўчасида ва Пролетар ҳамда Чехов кўчалари муюлишида ишлаб турибди. Шунингдек 3-нон заводи ҳамда бош корпус қошида 25—30 турдаги нон маҳсулотлари билан савдо қилувчи дўконлар иш бошлаганини ҳам қувонч билан айтишимиз мумкин.

Корхоналаримизга чет эл ускуналарининг ўрнатиладётганлиги ҳам нур устига нур бўлди. Чунки бундай юксак ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган ускуналар билан янада кўпроқ нон маҳсулотларини тайёрлаш мумкин. Уларни ўрнатишда бизга чет эллик ҳамкасбларимиз яқиндан ёрдам кўрсатишди. Ўша мутахассислар ҳам бундай юксак қувватлар билан шаҳар хўжалиги нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришда ҳеч қачон орқада қолмаслигига тан бердилар. Корхоналаримиздан ўрин олаётган ускуналаларнинг кўпчилиги Германиядан келтирилаётир. Бунинг боиси шундаки, у ерда тайёрланган жиҳозлар нон ишлаб чиқаришда дунё бўйича етакчи ўринларни эгаллайди.

Бугунги кунда Тошкент дўконларига бир кеча-кундузда шаҳримиздаги 6 та нон заводи ҳамда 4 та кичик нон ёпиш корхоналари томонидан 50 турдан ортиқ нон маҳсулотлари келтирилмоқда. Уларнинг миқдори 350 дан 425 тоннагачадир. Биз фақатгина савдо тармоқлари томонидан қабул қилинган буюртмаларни бажарибгина қолмай, балки уларга белгиланганидан кўпроқ миқдорда маҳсулотлар етказиб беряпмиз.

Ишимизда муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу биринчи навбатда транспорт масаласида кўзга ташланади. Ҳозирги кунда ҳар ўнта нон ташувчи машинадан биттаси маҳсулот ортиш жойларига кечикиб келяпти. Натижада улар магазинларга ҳам маҳсулотларни бир соат, бир ярим соат кечикиб етказиб беришмоқда. Ҳайдовчилар бунга қиш мавсумини сабаб қилиб кўрсатишади.

Қўпчилик савдо ходимлари ва ҳамшаҳарларимиз нон маҳсулотлари ўз вақтида етказиб берилаётганлиги ҳақида бизга кўплаб миннатдорчилик мактубларини йўллашмоқда. Бу, албатта, нон тайёрлашдек муҳим ишга бел боғлаган кишиларга билдирилган миннатдорчиликдир.

Шу ўринда бир нарсани қатъий айтиб қўймоқчиман. Тошкентликларнинг ҳеч қандай ташвишга тушишларига ҳожат йўқ. Бизда нон маҳсулотлари ҳамиша сероб бўлган ва бундан кейин ҳам мана шундай маъмурчилик давом этади. Биз «Нон шаҳри» деб аталган Тошкентимиз фахрига доғ тушмасликка ҳаракат қиламиз.

О. ОТАЕВ,
Тошкент нон саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори.



Суратли лавҳалар

РИЗҚ-РЎЗИМИЗ ҚАДРИ

Нон — кундалик ҳаётимизнинг энг зарур эҳтиёжи, сўзларимизнинг муқаддимасидир. Нон сўзи ҳар бир халқ тилида турлича жарангласада, лекин ҳамма учун у бир хил — эъзозли ва қадрлидир. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки, ҳамма нарса нондан бошланади.

СУРАТЛАРДА: Қорасув даҳасидаги кичик нонвойхонада тайёрланаётган иссиқ нонлар яна бир неча муддатдан сўнг «Иссиқ нон» фирмали дўконлар пештахтасидан ўрин олади; дўконлар харидорлар билан файзли; мана бу мазали нон маҳсулотларига бир назар ташланг — улар тошкентликлар томонидан севиб харид қилинаётган нон маҳсулотларининг бир бўлаги ҳисобланади.

Рақамлар тили билан

ЯНАДА КЎПАЯДИ

Тошкентликлар яқин кунларда бунинг шоҳиди бўладилар.

● 2-НОН заводида таъмирлаш ишлари бошланмасдан олдин у бир кунда 20 тонна нон маҳсулотларини ишлаб чиқарарди. Орадан яна бир ярим ойча вақт ўтар-ўтмас корхона қуввати 5 мартага ошиши кўзда тутилмоқда. Чунки унинг цехларидан юксак қувватли янги ускуналар ўрин олади. Бир вақтнинг ўзида айланма конвейерлар 24 турдаги маҳсулот чиқаради.

Шу кунларда бу ерда қора буғдой нони, батон типидаги маҳсулотлар ҳамда чурак тайёрловчи линияларни пайванд қилиш ишлари ниҳоясига етказилмоқда. Корхона цехларида таъмирловчи-тикловчилар ва қурувчи-пардозловчилар ёнма-ён туриб ишлашмоқда. Улар билан бир қаторда Ўзбекистон ССЖ Дон маҳсулотлари вазирлиги қошидаги лойиҳа-саноат қурилиш бирлашмаси мутахассислари ҳам ўзларига топширилган ҳажмдаги ишларни масъулият билан адо этишмоқда.

Корхонанинг нонвойлар учун хизмат кўрсатадиган ошхонаси ҳам тобора янги қиёфа кашф этмоқда. Бу ерда пардозлаш ишлари ниҳоясига етмоқда. Шунингдек заводга қарашли маданий-маиший хизмат кўрсатиш тармоқларида ҳам қурилиш ишлари поёнига етмоқда. Корхонанинг кўп қаватли ётоқхонасида ҳовли тўйлари бошланди. Бу ётоқхона ўзининг замонавий қиёфаси ва қулайликлари билан ажралиб туради.

● ШУ ЙИЛНИНГ биринчи чорагида Октябрь бозори қошида бунёд этилаётган миллий нон маҳсулотлари пишириш цехи ишга туширилади. У бир кеча-кундузда 30 тонна маҳсулот тайёрлаб бериш қувватига эга бўлади.

● 5-НОН заводи олий нав ҳамда миллий нон маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилади. Бу ерда ўрнатилаётган қўшимча иссиқлик қуввати ишга туширилиши билан корхона яна 6 тонна оқ нон тайёрлаш кучига эга бўлади. Корхона бир кунда биргина седанали патир туридаги маҳсулотлардан 20 тоннасини нон дўконларига чиқаради. Заводнинг навбатдаги иссиқлик қурилмасида тиклаш ишлари ниҳоясига етгач у бир кунда режага қўшимча 14 тонна олий навли нон маҳсулотларини ишлаб чиқариши кўзда тутилмоқда.

● «ЭСКИ ЖЎВА» бозоридаги цех дастлабки лойиҳага кўра кунора 8 тонна миллий нон маҳсулотлари тайёрлаши белгиланган эди. Бироқ ишлаб чиқаришдаги қурилмалар эскириб қолганлиги сабабли юқоридаги ҳажмдаги маҳсулот тайёрлаш меъёри тез-тез бузилиб турарди. Шуни ҳисобга олиб Тошкент шаҳар ижроия қўмитаси ходимларининг жонкуярлиги ва «Главташкентстрой» ҳиммати билан бу ерда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Натижада бугунги кунда цех бир кеча-кундузда 30 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга бўлди. Цехга ўрнатилган янги ускуналар маҳсулотлар сифатини яхшилаш билан бирга бу ерда ишловчи нонвойлар учун ҳам қатор қулайликлар туғдирди. Шунингдек, цехда тайёрланаётган маҳсулотлар тури кўпайди. Цех тўла қувват билан иш бошлаганда бу ерда биргина булка маҳсулотларининг ўзидан ўн турдагиси тайёрланади. Яқин ойлар ичида цех тўла қувват билан ишга туширилади.

● ТОШКЕНТ нон саноати ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош корхонаси хизматчиларининг рационализаторлик таклифлари билан бу ерда яқиндан бошлаб янги турдаги ботонлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Корхона бир кеча-кундузда ана шундай маҳсулотлардан 3 тоннасини тайёрлаб бермоқда.

Таъмирлаш ишларидан сўнг фақатгина бирлашманинг бош корхонасида бир кеча-кундузда 80 тонна нон-булка маҳсулотларини тайёрлаш имконияти туғилди. Устига-устак ҳар бири 25 тонна нон маҳсулотларини пишириш қувватига эга бўлган иккита иссиқлик қурилмаси ишга туширилмай турибди. Бу қурилмалар керак вақтда маҳсулот ишлаб чиқаришни бошлаб юборадилар.

Нон янада кўпаяди. Тошкентликлар яқин кунларда бунинг шоҳиди бўладилар.

Кўпнинг кенгашига

САЙЁҲЛАР ҲАМ КЎРСИН

ШУНДАЙ касблар борки, уларни моҳирлик билан уддаланётган кишиларга тан берасан. Менимча нонвойлик касби ҳам бундан мустасно эмас. Ахир минглаб ҳамшаҳарларимиз куну-тун иссиқ қурилмалар олдида туриб бизга етарли миқдорда нон маҳсулотлари тайёрлаб берётганлигидан фахрланмай бўладими! Уларнинг мақсади ҳар бир онлаги, ҳар бир дастурхонни мўл-кўл нон маҳсулотлари билан таъминлашдан иборатдир.

Баъзан ўйланиб қоламан, нега, шундай оғир шароитда эл ғамини ўйлаб меҳнат қилаётган жонкуяр нонвойлар ҳақида кўпроқ ёзилмайди! Ахир бу касбга ихлос қўйган кишиларнинг қизиқишини янада орттириш мумкин-ку. Бунинг учун турли-туман мусобақаларни ташкил этиш лозим. Айтайлик, нонвойларнинг саралаш танловини ўтказиш яхшироқ мумкин бўлмаса! Бундай тадбир касб эгалари учун ҳам яхши, қолаверса улар томонидан ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сифатини янада яхшилаш имконини туғдиради.

Бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Агар Тошкент саёҳатлар бюроси қошида «Тошкент— нон шаҳри» деган номдаги янги саёҳат маршрути ташкил этилса дилдаги гап бўлардик. Турли ўлкалардан шаҳримизга саёҳатга келган кишилар автобусларда жойларга боришиб нон тайёрлаш корхоналари иши билан танишардилар, улардаги техника қувватларини ўз кўзлари билан кўриш имкониятига эга бўлардилар. Шунингдек, бу касбнинг илғорлари билан, бутун умрини нонвойликка бағишлаган инсонлар билан суҳбатлашишни ким ҳам ёқтирмайди, дейсиз.

Х. НОСИРОВ,
меҳнат кексаси.

Ҳурматли Х. Носиров!

Сизнинг таклифингизни тўла қўллаб-қувватлаш билан шуни айтмоқчимизки, бундай истакни ўртага ташлаётганлар ҳозир жуда кўпчиликни ташкил қилади. Шуни ҳисобга олиб Тошкент нон саноати бош директори Олим Отаевич Отаев жумҳурият пойтахтида нон музейини ташкил этиш истагида юрибди ва ҳозирда у бу борада бирмунча ишларни амалга оширмоқда.

Агар унинг орзуси амалга ошадиган бўлса чиндан ҳам шаҳримизда янги сайёҳлар маршрутини ташкил этиш учун қулай имконият туғилади. Биз ҳам ана шу истакнинг амалга ошишини жуда-жуда хоҳлар эдик.

ДИЛДА МЕҲНАТ ИШТИЁҚИ

ГУЛСАРА ЕРҚУЛОВАНИ НАФАҚАТ КЕНГ ХАЛҚ ИСТЕЪМОЛ БУЮМЛАРИ ЦЕХИДА, БАЛКИ ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК МАШИНАСОЗЛИГИ КОРХОНАСИДА ҲАМ ИЛҒОР ИШЧИ СИФАТИДА ҲУРМАТ БИЛАН ТИЛГА ОЛИШАДИ.

ЦЕХДА БОР-ЙЎҒИ ЎНГА ЯҚИН ПАРМАЛОВЧИ ДАСТГОҲ БОР. ГУЛСАРА АЙНАН ШУ ДАСТГОҲЛАРНИНГ БИРИДА МЕҲНАТ ҚИЛАДИ. ЯҚИНДА БИЗ БУ ИШЧИ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИК.

— Гулсарахон, ишингиздан мамнунмисиз?

— Иш ҳамма жойда топилади. Бироқ ҳамма гап ўша ишга қай муносабатда бўлишда. Менинг бу ерда ишлаётганимга роса тўрт йил бўлаяпти. Мустақил ишлашга осонликча эришдим деб айтолмайман. Чунки унинг ўзига яраша қийинчилиги ҳам бўлди... Бундай ҳол ҳар бир кишида илк бора кечиши табиий. То ўша ишни ўзлаштириб олмагунингизча қийинчилик сиздан осонликча кетмайди. Энди ишга келсак, мен ундан ҳозирча қониқмадим десам ёлғон сўзлаган бўламан. Сабаб деб сўрарсиз. Ҳолбуки, мен тўрт йил шу цехда ишлаб қўйдим. Бунинг устига озми-кўпми пармаловчилик касбининг ўзига хос мураккаб томонларини ўргандим, тажриба орттирдим. Ҳозир бемалол бирорта ёш ишчига касбимнинг сир-асрорини ўргатишим мумкин.

— Смена давомида қанча хом ашёга ишлов берасиз?

— Кўриб турганингиз гўшт қиймалагичнинг тана қисмидир. Кунлик иш режам шу маҳсулотдан 700—800 дона ишлаб чиқаришдир. Тағин унинг ичига ўрнатилган қиймалагичдан 1000 донасини пармалашим керак.

— Саккиз соат давомида улгурасизми!

— Албатта, ҳаракат, интилишда гап кўп-да. Қолаверса цехимизда меҳнат қилаётганларнинг барчаси иш режаларини бажаришга ҳаракат қиладилар.

— Гулсарахон, цехларингизда фақат бир номдаги маҳсулотга ишлов берилади ёки яна бошқа турлари ҳам борми!

— Йўқ, бу ерда беш-олти номдаги маҳсулотга ишлов берилади. Биз ишлов бериб бошқа цехга юборамиз, улар ҳам қайтадан ишлов беришиб тағин бизга қайтаришади. Шундан сўнггина сифат белгиси берилиб савдо дўконларига жўнатилади.

— Маош масаласи қалай, қаноатлантирадими!

— Бу бажарган ишимизга боғлиқ. Агар яхши ишласак демак маош ҳам яхши бўлади.

Гулсара Ёрқулова билан суҳбатимиз узоқ бўлмади. Лекин у ишлаётган цехин айланиб ўзларининг меҳнатлари билан жамиятимизга фойда келтираётган, юзлаб Гулсараларни кўрдим. Уларнинг ҳар бирининг дилида яхши меҳнат қилиш ниятиёқлари борлигини ҳис этдим.

Б. ОРИПОВ.

Акс садо

КАРВОН ЎЗ ЙЎЛИДАН БОРАВЕРАДИ

Куни кеча биз Октябрь ноҳиясидаги «Кўкча» маҳаллаларида беихтиёр отахонлар баҳси устидан чиқиб қолдик. Шинам чойхонадаги мунозара жумҳуриятимиз бир гуруҳ олимларининг шу йил 7 январда «Известия»да чоп этилган «Хўжайин»ни қўмсаш» ва унга жавоб тариқасида «Совет Ўзбекистони»да босилган «Қўмсашнинг нархи қанча?» мақолалари ҳусусида экан.

— Бир гуруҳ олимларимизнинг «Известия» рўзномасидаги мақолалари мени ҳайрон қолдирди, — дейди Тошкент политехника олий илмгоҳининг собиқ доценти, ҳозирда пенсионер Маҳмуд ака Зоҳидов. — Улар Ўзбекистонда туриб, жумҳуриятимизда бўлаётган ўзгаришларни наҳотки сезишмаётган бўлса? Эркинлик, ошкоралик, демократияни ҳар ким ҳар хил тушунар экан-да.

— Маҳаллаларимизнинг ўзида бўлаётган ўзгаришларни қаранг, — суҳбатга қўшилади пенсионер Тўлаган ота Тошмуҳамедов. — Махсус «Маҳалла» дастури ишлаб чиқилди. Раҳбарларимиз унинг бажарилишини доим назорат қилиб бормоқдалар. Айтиш мумкинки, янгиланиш, ўзгариш шабадаси ҳар бир хонадонга кириб борган.

— Бу ерда коса тагида ним коса бор, — дейди маҳалла котиби Баҳодир Юнусов. — Мақолада жумҳуриятимизда демократия бўгилаяпти, деб ёзишибди. Агар кўча ва майдонлардаги митингбозликлар демократия деб тушунилаётган бўлса, бунинг бизга кераги йўқ. Ўша тўс-тўполонлардан қанчадан қанча ҳамшаҳарларимиз азият чекканликларидан кўпчилигимиз хабардормиз. Олий Кенгашимизда ўтган йили илк бор чиқ маъноda халқ сайлаган депутатларимиз митингларни майдонларда эмас, ёпиқ биноларда ўтказиш ҳақида бир тўхтамга келишган эди. Ахир кўчада оломонни тўплаб, ваъзхонлик қилишдан не фойда? Интизомсизликнинг боши ана шунда.

— Фикрингизга тўла қўшиламан, Баҳодир ака, — дейди ишчи Қурбон Даминов. — Иттифоқимизнинг марказий минтақаларида ўтган йили рўй берган аҳволни бир таҳлил қилиб кўринг: ҳар куни митинг, кунора иш ташлаш, ҳафта сайин намойишлар. Оқибатда нима бўлди? Қанчадан-қанча куч-ғайрат ва харажат сарфланиб, мамлакат тарихида биринчи марта мўл-кўл етиштирилган буғдой ва картошканинг жуда катта қисми қор остида қолиб кетибди. Пешона тери тўкиб етиштирилган халқ ризқ-рўзи исроф бўлишининг уволи тутмайдими?

— Бизнинг жумҳуриятимизда интизом нисбатан анча яхшилиги учун саноат, қурилиш, транспорт, шунингдек бошқа соҳаларда бултур дурust натижаларга эришилгани ҳаммага маълум, — гурунгга қўшилади уруш қатнашчиси Абдулла ота Тўлаганов. — Айниқса, пахта майдонлари кескин қисқарган ҳолда беш миллион тонналик хирмон тарихда биринчи марта ниҳоятда қисқа муддатларда тикланди. Бу интизом туфайли-ку, ахир! Юртимизда одамлар тўс-тўполонсиз, осойишта яшаб, меҳнат қилишаётгани ҳам тартиб-интизом туфайли эмасми? Ёки «Известия»даги мақола муаллифлари жумҳуриятимизда барқарорликни ушлаб турган интизомни демократияни бўғиш, деб тушунишаётганмикин? Демократия — бу, энг аввало, интизом, деганику, ахир! Ҳарқалай, мен шундай тушунаман. Шу қайта қуриш, демократия, ошкоралик туфайли биз пенсионерларнинг, кўп болали оналарнинг, ўқитувчиларнинг моддий аҳволи бирмунча яхшиланди, деҳқонларимизга ер улашиб берилди. Хўш, буларнинг ҳаммаси «каттиқ қўл»ликсиз қўмсашми?

Бир пиёла чой устидаги суҳбат алламаҳаллаларгача чўзилди. Кўп нарсалар ёдга олинди, ҳар хил фикрлар айтилди. Лекин бу гурунгдан яқдил хулоса чиқариш мумкин эди: одамлар сафсатабозликдан, шовқин-сурондан, ур-жанжалдан жуда чарчаган. Турмушимизни яхшилаш, иқтисодий тангликдан чиқиш учун юртда тотувлик, аҳиллик, шижоат билан ишлаш керак. Жумҳуриятимиз раҳбарияти шунга даъват этмоқда. Карвон тўғри йўлдан кетмоқда.

Давра суҳбатини А. НУРИМОВ оққа кўчирди.

РЎЗНОМА—МУШТАРИЙ —РЎЗНОМА

Тошкент шаҳар Кенгаши дастури мажмуи лойиҳасининг асосий йўналишлари—муҳокамада

ЭРТАНГИ КУН ИҚБОЛИ

«Тошкент оқшоми» рўзномасида эълон қилинган «Тошкент тарихи билан боғлиқ хотиралар — шаҳар аҳолисини маънавий янгилаш, ватанпарварлик ва байналмилал руҳда тарбиялашнинг асоси» дастури мажмуи лойиҳасининг асосий йўналишлар матнини қайта қуришнинг шарофати ва Кенгашлар фаолиятидаги етакчилик намунаси, деб билиш мумкин. Мазкур қўлланма — лойиҳа матнини синчиклаб ўқиб чиққан одам унда белгиланган йўналишлар эзгу ниятлар билан тузиб чиқилганлигига ишонч ҳосил қилади. Лойиҳанинг барча — олтита бўлими ҳар томонлама ўйланиб, дастурга киритилган. Уни тўғридан-тўғри қабул қилмай, халқ муҳокамасига қўйилиши айни муддаодир. Чунки ҳар бир тошкентлик ва жонажон шаҳримиз аҳолиси келгуси билан боғлиқ масалалар хусусида ўз фикрини билдиришга тамоман ҳақлидир.

Бироқ лойиҳани ўқиган кишида айрим эътирозлар ҳам пайдо бўлмай қолмайди, албатта. Аввало, лойиҳа сарлавҳаси ҳақида тўхталмоқчимиз. Сарлавҳа қандайдир мавҳум жумладан иборат бўлиб қолган. Бизнингча, уни қуйидагича номлаш керак: **«Тошкент тарихи билан боғлиқ хотираларни тиклаш ва шаҳарнинг келгуси равнақи — шаҳар аҳолисининг маънавий камолоти йўлида аждодлар анъанасига таяниш, ватанпарварлик ва байналмилалчилик ғояларини асосли равишда кенг тарғиб қилишнинг асослари ҳақида»** қўлланма тўпламининг Асосий йўналишлари, дейилса аниқроқ бўлади.

«Шаҳарда атамачилик аҳволини тартибга солиш» бўлими сарлавҳачаси ҳам қандайдир сунъий тузилган. Менимча, **«Шаҳардаги жойлар номини белгилаш ишларини аниқ қонда асосида амалга ошириш»**, — дейилса, тушунарли чиқади. Ушбу бўлимнинг кириш қисмида: «...Тошкент шаҳарсозлигига тааллуқли кўча ва мавзеларнинг араб, форс ва рус номлари, хусусан «Болгарские огороди», «Греклар шаҳарчаси» ва ҳоказо иборалар ҳам сақлаб қолиниши мақсадга мувофиқдир», — дейилган. Ваҳоланки, Ўзбекистон ССЖнинг Давлат тили ҳақидаги Қонуннинг 24-моддасида жумҳурият ҳудудидаги барча жой номлари миллий шаклда берилиб, ягона давлат тилида қайд этилиши кўрсатилган. «Болгарские огороди» сақлаб қолиниши керак бўлса, уни қонунга биноан «Булғор томорқалари» деб ёзишимиз керак бўлади.

Шундай фикрларни Новомосковская атамалари устида ҳам айтиш мумкин. Чунки шаҳримизда Москва, Ульянов, Россия деб юритилувчи бир қанча жойлар мавжуд.

«Ноҳиялар ижроия қўмиталари қошида ноҳия атамалар комиссияси тузилиб, аҳоли таклиф ва тавсияларини аввало ноҳия атамалар комиссияси ўрганиб чиқсин. Зарур ҳужжатларни йиғиб, ўз йиғини қарори билан шаҳар атамалар комиссиясига тақдим этсин», — деган банд ҳам биринчи бўлимга киритилса, айни муддао бўлади.

Дилмурод САИДОВ,

Тошкент шаҳрини ташқи безаш бўлими мутахассиси.

Атамалар комиссияси эътиборига

Мулоҳазали мактублар

Салоҳиддин Тошкандий хотирасини абадийлаштирсак...

ЖУМҲУРИЯТИМИЗ пойтахти Тошкентда жой ва кўчалар номини кейинги пайтда тарихийликдан келиб чиққан ҳолда халқ кўнглидагидек қилиб ўзгартириш бобида хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Тошкент қўналғасита олиб борадиган бош кўчага устоз Заҳириддин Муҳаммад Бобур номининг берилганлигида жуда катта рамзий маъно бор. Ҳаётлигида ўз Ватанига сиғмаган буюк бобомиз номи ёзилган равон кўча эндиликда юртига ташриф буюрган меҳмонларни кутиб олиб, кузатиб қўяди...

Қаранг-а, буюк шоир ва жаҳонгирга ҳаётлигида буюрмаган бахт — мангуликка айланиб қолган иккинчи умрида насиб этди. Ҳар ҳолда кўзга суртгулик ижобий воқеа. Бу ишнинг тепасида турган кишиларга ташаккур билдирган ҳолда, жузъий бир истагимиз бор. Бош кўчани икки бўлиб, икки хил ном билан атамасдан, бир номда атаган маъқул. Бу нарса, биринчидан, ҳар қандай кишида ғалати таассурот қолдиради. Иккинчидан эса, хат-хабар, почта алоқасида ноқулайлик туғдиради. Шу ўринда Тошкент шаҳридаги туманлар номланишини ҳам ўйлаб кўрсак, бу ишда ҳам тарихий атамаларни ҳисобга олсак халқ кўнглидаги иш бўларди деб ўйлайман.

Ана шу каби савобли ишлардан руҳланган ҳолда яна бир хайрли таклиф бор эди. Яқинда халқимиз қўлига 200 минг нусхада етиб борган, «Чўлпон» нашриётида чоп этилган машҳур «Темурнома» асарининг муаллифи Салоҳиддин Тошкандийнинг туркий, қолаверса жаҳон халқлари учун хизмати беқиёсдир. Кўҳна ва заҳматкаш Тошкентнинг асл фарзанди бўлмиш Салоҳиддин Тошкандий биргина «Темурнома» асари билан ўзига такрорланмас ҳайкал қўйиб кетди. Бу катта ва машаққатли меҳнат маҳсули бўлмиш асарни ўқиб чиққан ҳар бир ватанпарвар инсон қалбининг туб-тубида улуғ бобомиз ва мумтоз адибимиз Салоҳиддин Тошкандийга чуқур меҳр-муҳаббат ва эҳтиром уйғонади. (Ул кишининг ҳаёти ва ижоди ҳақидаги асосий гапни ҳурматли илм аҳлларимиздан батафсил эшитамиз деган умиддамиз).

Ўйлайманки, бугунги омон-омон кунларда бобомиз руҳини ёд ва шод этиб, номларини абадийлаштиришдек қутлуғ ишни амалга оширсак, яна бир савобга доҳил бўлур эдик.

Нурали ҚОБУЛ.

Ўзбекистон халқ депутати.

Сўраган эдингиз...

ШАЙХ ОЗАРИЙ КИМ?

Ҳурматли муҳарририят! Октябрь ноҳияси ҳудудида янги ташкил этилган кўчалардан бирига «Шайх Озарий кўчаси» деб кўрсаткич ўрнатилибди. Илтимос, Шайх Озарий ким эканлиги ҳақида маълумот берсангиз.

Муаттархон ОБИДХОН қизи, ТошДД талабаси.

Шайх Озарий 1382—1462 йилларда яшаб ўтган йирик дин уламоларидан, шоир, сайёҳ ва олим бўлган. Унинг ўз исми Ҳамза ибн Алидир. Байҳақ сарбадорларидан бўлганлиги боис ҳам Байҳақий тахаллуси билан асарлар битган. Шайх Озарий ҳақида унинг замондоши, тарихчи Давлатшоҳ Самарқандий ўзининг «Тазкират-уш-шуаро» («Шоирлар ҳақида рисола»)сида шундай ёзади: «Маърифатда ягона, муҳаққиқ (ҳақиқатпарвар) ва олиҳиммат киши бўлиб, ...исми Ҳамза ибн Али Малик ат-Тусий, тахаллуси Байҳақийдир.

Шайх (Озарий) йигитлик чоғида шеър ёзиш ҳамда шоирлик билан машғул бўлди ва зўр шуҳрат топди.

...Шайхнинг илмини, ғойибдан билган ҳақиқат ва маърифатларини... ушбу тазкира сиғдира олмайдур. Унинг шарофатли девони (барча) иқлимларда машҳурдирки, (Шайх Озарийнинг) девондан ўзга, назм ва насрда ёзилган бир қанча рисолалари, жумладан, ҳикматлар, масаллар ва мақолалар, мушкил шеърлар шарҳи тўпламидан иборат «Жавоҳир-ул-асрор», «Саъй-ассафо», «Туғройи Хумоюн» ҳамда «Ажойиб ал-ғаройиб» асарлари ҳам бордир!»

Ҳазрат Низомиддин Мир Алишер Навоий ҳам ўзининг «Можолис-ун-нафоис» («Гўзал мажлислар») асарида Шайх Озарий ҳақида: «Иффаройинда зуҳур қилди ва шеъри шуҳрат тутди... Муборак Ҳаж сафарига бориб, сайёҳлик билан Ҳинд сари юзланди... Ва Ҳинддин қайтгандан сўнгра Исфаройинда гўша ихтиёр қилиб, тоатга машғул бўлди ва баъзи китоблар, мисли «Ажойибуддунё» ва «Жавоҳир-ул-асрор» шайхнингдир. Ўзга асарлари ҳам бордир. Ва девони ҳам мушҳурдир», — деб ёзган эди.

Яна айрим манбаларда Шайх Озарийнинг Мирзо Улуғбекка муаллимлик қилганлиги ҳам қайд этилган.

М. ҚОСИМОВА: Мен «Қаҳрамон она»ман. 1988 йилда енгил автомашина олиш учун Октябрь ноҳиясининг ижтимоий-таъминот бўлимида навбатга турдим. Навбатим 24-рақам эди, 1989 йили мурожаат қилганимда рўйхатга қараб навбатингиз 9-га тушибди, дейишди. 1990 йил бориб хабар олсам, навбатим 9 дан пастга тушиш ўрнига 14 га кўтарилибди .Шу тўғрими!

ЖАВОБ: Албатта сабабсиз рўйхатнинг бузиб қўйилиши ўрнатилган тартибга хилоф хатти-ҳаракат ҳисобланади. Масалани ойдинлаштириш учун Тошкент шаҳар ижтимоий-таъминот бўлимига мурожаат қилишингизни тавсия қиламиз.

●

И. РАЖАБОВ: Отам II гуруҳ меҳнат ногирони ҳисобланади. Енгил машина харид қилиш учун ВТЭК хулосаси керак экан. Врачлар кўриш қобилиятининг анча пастлигини ўз хулосаларида кўрсатишди. Демак, машина олишлари ҳам мумкин эмас экан. Балки ВТЭК нотўғри хулоса чиқаргандир!

ЖАВОБ: Амалдаги қоидага кўра енгил машина олиш ниятида бўлган меҳнат ногиронлари врач мутахассислар кўригидан ўтказилди. Агар отангизнинг кўриш қобилияти яхши бўлишига қарамасдан нотўғри хулоса чиқарилган деган фикр туғилган бўлса, у ҳолда вилоят техник экспертизасига қайта ВТЭКдан ўтказишни сўраб отангиз мурожаат қилишларини тавсия қиламиз.

«Т О» тушунтириши

●

М. ДЎСТМУҲАМЕДОВ: Мен II гуруҳ ногирони ҳисобланаман. Ҳар йили касалхонада ётишимга тўғри келаяпти. Чунки ВТЭК қайта гувоҳнома бериши учун шундай бўлиши керак экан. ВТЭКдан яна неча йил ўтишим керак.

ЖАВОБ: Хатингизнинг мазмунига қараганда II гуруҳ ногиронлик гувоҳномасини олиш учун ҳар йили албатта касалхонада даволаниш шартми, деяпсиз? Демак, Сизга ВТЭК қайта гувоҳлантириш шарти билан бир йил муддатга II гуруҳ ногирони деб ҳужжат берган. Агар ВТЭК қайта гувоҳлантириш шартини қўймасдан, доимий II гуруҳ ногирони деб ҳужжат берса, унда қайта хулоса қилинишидан ўтиш учун овора бўлмас эдингиз. Сиз доимий гувоҳнома олишни сўраб шаҳар ВТЭКига мурожаат қилишингиз мумкин.

●

Д. ҚОБИЛОВА: Мен турмушга чиқиб, икки фарзандли бўлдим. Кейинги пайтларда қайнонам ҳар хил жанжал чиқариб, мени уйдан чиқариб юбордилар. Судга мурожаат қилган эдим икки хонани бизга кириб ўтиришимиз учун ҳуқуқ берувчи қарор чиқарди. Аммо қайнонам барибир уйга қўймаяптилар. Эримнинг иши судда кўрилиши керак. Икки болам билан нима қилишим кераклигини билолмай ҳайронман!

ЖАВОБ: Судга мурожаат қилиб тўғри иш тутгансиз. Лекин суд ижрочиси уйга киргазиб қўйганига қарамасдан қайнонангизнинг гапи билан яна уйдан чиқиб кетиб хатоликка йўл қўйгансиз. Суд Сизни ва болаларингизни уйга киритиб, Сизни ва оилангизни ҳимоя қилган. Демак, Сиз яна уйга киритиб қўйишларини илтимос қилиб суд ижрочисига мурожаат қилишингиз керак. Уйга киритилганингиздан кейин қайнонангиз чиқиб кетишингизни яна талаб қилса, участка милиция инспекторига мурожаат қилиб, у кишини тартибга чақириб қўйишларини сўрашингиз керак.

●

С. ГУЛБОЕВА: Отамнинг ёшлари ҳужжатларда олти ёш кичик кўрсатилган. У киши туғилганда ҳозиргига ўхшаб бирданиға туғилганлик ҳақида гувоҳнома олинмаган. Отам анча катта ёшга борганларида гувоҳнома ёздириб қўйиб, ёшлари нотўғри тушиб қолганлигига аҳамият бермаган экан. Энди эса у киши қарилик нафақасига чиқиш учун олти йил ортиқроқ ишлашлари керак. Айтингчи, ёшни аслига келтириш йўли борми! Бор бўлса, қандай!

ЖАВОБ: Амалда ўрнатилган қоидага кўра ҳужжатларда кўрсатилган ёшни ёки фамилияни ўзгартириш ишлари билан халқ депутатлари Кенгаши ижроия қўмитаси қошидаги гражданлик ҳолатлари актини қайд қилувчи бўлим шуғулланади. Демак, отангиз ўзларига тегишли ҳужжатлар билан, ҳақиқатан ёшлари қанчага кирганлигини исботлаб бера оладиган гувоҳларнинг (икки-уч киши) исм-фамилиялари, турар жойларини кўрсатиб район ижроқўмига мурожаат қилишлари керак. Агар ижроия қўмитаси келтирилган сабаблар узрли деб топса, отангизнинг асл ёшларини аниқлаб берувчи қарор қабул қилади.

А. ҲАСАНОВ, ҳуқуқшунос.

Ушбу саҳифани ижтимоий-сиёсий муаммолар бўлими мудири **Тўхтамурод ТОШЕВ** тайёрлаган.

Дўстнома



ЎТА ҚАДРЛАЙМИЗ

Орамизда шундай кишилар борки миллати, элати ва маҳзабидан қатъи назар бутун умрини дўстликка, эзгуликка бахшида этади, одамларни тотувликка, биродарликка даъват қилади. Ҳамшаҳримиз Абдуғаффор Шоший Ғаффор ўғли ҳам шундай кишилардан бири. Ҳозир у Чечен-Ингушетия жумҳуриятида олий маъҳад очиш ва унга раҳбарлик қилишдек шарафли ишни бажаряпти. Яқинда жамоатчи мухбиримиз у билан суҳбатлашди.

— Тақсир, муштарийларимизга Кавказ халқлари ҳақида бир оғиз гапириб берсангиз.

— Кавказда қирққа яқин миллат яшайди. Улар мағрур, ўз шаънига гард юқтирмасликка ҳаракат қиладилар. Аммо дўстликни ўта қадрлайдилар.

Кавказликларнинг ўзбек халқига меҳри ўзгача. Кавказда ҳатто бизнинг ўзбек дўппиларимизни кийиш ҳам одат бўлган. Янги маъҳаддаги диний ходимларнинг барчаси Бухорода ҳамда Тошкентда таҳсил кўргандирлар. Кавказда ўзимизни бегона, мусофирлардек ҳис қилмаймиз. Бунга ўрин йўқ. Чунки буни мен бу ердаги мусулмонларнинг бир-бирларига бўлган ҳурматидан деб биламан. Бу ерда ичкиликбозлик, чекиш, оилаларга раҳна соладиган хиёнаткорлик мутлақо кам. Кавказ халқларининг ҳавас қиларли хислатларидан бири — семизлик иллатини қўролмаслигидир. Олимлар Кавказ халқларининг сарвқоматлигини табиатдан ҳамда яшаш тарзи билан боғлайдилар.

— «Оқшом» рўзномасига тилак ва таклифларингизни айтсангиз...

— «Оқшом» рўзномаси «Одобнома» саҳифасини очиб савобли ишга қўл урибди. Унинг янада қизиқарли чиқишига тилакдошман. Истагим, мамлакатимиз мусулмон халқларида анча асрлардан буён яшаб келаётган ибратли ахлоқ-одоблари ҳам ёритилса.

Суҳбатдош

Акбар ЮНУСОВ.

Хатларни ўқиб...

ТАКСИМИ ЁКИ ШАХСИЙМИ?

Муштарийларимиздан келаётган хатларда шаҳар транспорти ишига эътирозлар кўп, шикоятлар мўл. Тўғри, қиш пайтида кўча-кўй сирпанчиқ бўлади, транспортнинг юриши анча мушкуллашади. Лекин қишга маълум тайёргарлик кўрилиши керак эди. Афсуски, кўплар қатори айрим транспортчилар ҳам қиш синовидан ўтолмаяптилар.

Ҳозир нима кўп, хоҳлаган жойига шахмат белгисини тушириб олган машина кўп. Ширкат таксиларигаку гап йўқ. Эшикни очиб илтимос қилишингиз билан кўзини лўқ қилиб: — «Неча пул берасиз» деб туради. Наилож, шошилинч манзилга бориш керак. Борасиз ҳам, аммо бир ҳафталик тушлик ақчадан айриласиз...

«16 декабрь куни Юнусобод даҳасида 1-автокомбинатга қарашли 55—95 ТНБ давлат рақамли таксини тўхтатиб, Сергелига элтиб қўйишни илтимос қилдим, — деб ёзади «Сергели — 8 А» мавзесидаги 19-уйининг 6-хонадонида истиқомат қилувчи ҳамшаҳаримиз Х. Юнусов. — Машина тўхтаганда ичида икки йўловчи бўлиб, ҳисобдон 60 тийинни кўрсатиб турарди. Улар «Соцгородок» бекатида тушиб қолишди. Биз манзилга етиб келганимизда ҳисобдон 4 сўм 50 тийинни кўрсатди. Мен шофёрга 4 сўм бериб таксидан тушдим. У эса эшикни очиб «Ҳўв, яна бир сўм чўзинг!» деб талаб қилди. Мен ундан нима учун яна бир сўм беришимни сўрадим. У менга 4 сўм 50 тийин ёзилганку деди. Мен унга йўлда тушиб қолганлардан 3 сўм олиб қолганлигини, шахсий ҳамёнига ортиқча 2 сўм 50 тийин уриб қолганлигини тушунтирдим. У эса мени бўралаб сўкиб кетди-да, машинани ўт олдириб жўнаб қолди. Хўш, бундай юлғич ҳайдовчилар қачонгача одамларни «шилишади?» Афсуски, исми-шарифини билмай қолдим. Лекин машина ичидаги кўрсаткич белгига «Аҳмедов ва Умаров» деб ёзилган эди».

Ҳа, агар «бойвачча» одам таксига ўтирса 1—2 сўмнинг фарқига бормаслиги мумкин. Аммо ойликчи-чи? Албатта боради-да. Йўловчи эътирозлари жуда ўринли. Афсуски, бу талабни ҳаммамиз қилмаймиз. Ҳатто кўпчилик йўловчилар буни билишмайди ҳам.

— Мен 1990 йилнинг 23 августи куни соат 11.10 га Тошкент гўшт комбинати олдидаги касалхонага бориш учун такси чақирдим. 11.10да 2-автокомбинатга қарашли 38—59 ТНБ давлат рақамли ҳайдовчи Аминов бошқарган такси келди. Машинага набирам билан ўтирдик. Озгина юргач, машинани тўхтатиб, «Мен сиз айтган жойга бормайман, менга шаҳардан чиқиш мумкин эмас», деди. Ва мендан 1 сўм 12 тийин талаб қилди. Мен унга: ҳали ҳеч қаерга борганим йўқ. Нега сенга пул беришим керак, сен ишлайдиган жойга арз қиламан, дедим, — деб ёзади яна бир куюнчак муштарий, Улуғ Ватан уруши ногирони, 75 ёшли отахон Мансур Жалилов. — У эса «Қўлингдан келганини қил» дея эшикни ёпиб, машинани «пишқиртириб» жўнаб қолди. Мен шундан кейин уйга келиб 72-89-90 телефони орқали 2-автокомбинат директори ўринбосари Полотковга қўнғироқ қилдим. Бўлган воқеани тушунтирдим. У «яхши» деб ёзиб олди. Шундан сўнг ундан рацияси бор таксилар шаҳардан ташқарига чиқадими, чиқса неча километрга чиқади? — деб сўрадим. У эса менга «40 километргача чиқишга ҳаққи бор» деб жавоб қилди. Афсуски, мен борадиган жойим турадиган еримдан 40 километр ҳам чиқмасди. Нега мени — бир кекса одамни ҳайдовчи Аминов ҳақоратлаб, йўлда ташлаб кетди?..»

Ҳа, бундай вазиятда ҳар қандай кишининг ҳам дили ҳуфтон бўлиши турган гап. Айниқса, кекса кишиларники. Агар ҳайдовчи Аминов ана шу 75 ёшли отахон ўрнига ўз отасини қўйиб кўрса қандай бўларкин? Афтидан 2-таксопарк раҳбарлари ҳайдовчилар ўртасида тарбия ишларини мутлақо бўшаштириб юборганга ўхшайди. Акс ҳолда улар йўловчилар билан бундай қўпол муомалада бўлмас эдилар.

Шу ўринда иккинчи бир арзнома ҳам характерлидир.

«Менинг билишимча, шаҳар таксичилари аллақачон бозор иқтисодиётига ўтиб олганга ўхшайдилар, деб ёзади ҳамшаҳарларимиз Мадалиева ва Толипов. — Чунки улар хоҳлаган томонга хоҳлаган баҳода юришаётирлар. 1990 йилнинг 11 ноябрь куни кеч соат 23.45 да С. Раҳимов метро бекати тепасида такси кутиб турардик. Бирдан 5-таксопаркка қарашли 91—73 ТНА давлат рақамли машина келиб тўхтади. Биз ҳайдовчидан Паркент бозоригача олиб бориб қўйишни сўрадик. Шофёр эса ҳар бирингиз 5 сўмдан берсангизлар, олиб бориб қўяман, деди. Шунда учинчи шеригимиз 10 сўм берамиз, деди. У «йўқ» деб, нари кетди. Ҳайдовчи эса ўзига «ярашиқли мижоз» тополмагач, машинани бўш ҳайдаб кетди».

Ҳа, афсуски бундай «учарлар» ҳар қадамда учрайди. Қош қорайди дегунча, улар катта-катта бекатларда туришиб, йўловчилар билан «келишса»гина манзилига олиб бориб қўйиши мумкин. Бўлмаса тураверади. Ахир бу нимаси? Ахир улар одамларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қилиш учун кўчага чиққанларку! Қилаётган меҳнати учун давлат чўнтагидан маош оладиларку! Такси ҳайдовчиларини ким назорат қилади ўзи? Ёки таксилар шахсийми?

Мурод ХАЛИЛОВ.

Акс садо

«КИМГА ТОШ ОТЯПТИЛАР?» (26. 12. 90йил)

Собир Раҳимов ноҳия ички ишлар бўлими бошлиғи А. Бадалбоевнинг юқоридаги сарлавҳа остида босилган мақоласида шу кундаги долзарб мавзу кўтарилган. Ҳақиқатан назоратсиз қолган болалар ва тарбияси қийин бўлганлар кўча-кўйда ўтган-кетган машиналарга, трамвай-троллейбусларга, ҳатто кўп қаватли уйларнинг деразаларига тош отиб, ҳаммани қақшатяпти. Бу нимаси ахир? Биз болалигимизда вақтни бекор ўтказмасдик, фойдали иш билан машғул бўлардик. Ҳозирги болаларга ҳайронсан, на ота-онага, на мактабдагиларга қулоқ солади. Бундайларга тегишли чора кўрилмас экан, эртага жиноятга қўл урмасликларига ким кафолат бера олади?

Маҳкам ҲАКИМОВ,

собиқ темирйўлчи, меҳнат кексаси.

Бундай тошотар болаларнинг ота-онасини мактаб жамоаси олдида, маҳалла-кўйда изза қилиш керак. Узининг бебош боласини жиловлаб олмаган ота-она қандай мураббий бўлди. Демак, бу болаларнинг ота-оналари ўз боласининг тарбияси билан шуғулланмайдилар. Ҳамма бало шундан келиб чиқади...

Жаҳонгир АЛИЕВ,

савдо ходими.

Ёш ниҳолга эътибор керак. «Бола бошидан...» деганларидек, уларга ёшлигидан қулоғига таълим-тарбияни қуйиб бормаса, албатта у эгри ўсади. Бугун бошқага тош отса, эртага ўз ота-онасига тош отади.

Шайх Саъдий айтади:

Кимга ёшлигидан берилмас одоб,
Улғайгач, бўлади бахтсиз, дили ғаш.
Ҳўл новда эгилар қай хилда эгсанг.
Қуруқни тўғрилар фақат ўт-оташ,
Бас, шундай экан, бола тарбиясига бефарқ бўлмайлик.

Саломат ҲАСАНОВА,

журналист.

Лола Миразимова шаҳримиздаги «Уртоқ» кондитер фабрикасида узоқ йиллардан бери ишлаб келади. Сиз суратда бу пешқадам ишчини ўзи бошқараётган дастгоҳи ёнида кўриб турибсиз.

Х. Мирзакаримов сурати.

Мактублардан сатрлар

Бизга рўзномалар кўпинча эртаси куни кечқурун етиб келяпти. 114-алоқа бўлими бошлиғидан сўрасак, «Бизга рўзномалар соат 17.00 дан кейин келтирилса, қандай қилиб етказиб берайлик, қолаверса, биз сизни обуна бўлинг, деб мажбур этмаганмиз» дейди. Наҳотки, 93 сўм 48 тийинлик рўзнома ва ойномаларга обуна бўла туриб, уни вақтида ололмасам?

А. ЭРГАШЕВ,

Юнусобод даҳаси, 19-мавзе, 12-уй, 63-хонадон.

Ўзим 40 йил алоқачи бўлиб ишладим. Ҳозир пенсиядаман. Рафиқам бетоб. Дам-бадам «Тез ёрдам»га мурожаат қиламиз. Лекин уйимиздаги 67-61-79 рақамли телефонимиз 9 октябрдан бери ишламайди. «Соқов». 67-АТСдагиларни эса асло топиб бўлмайди...

А. ЙУЛДОШЕВ,

Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, II гуруҳ ногирони, 1-Черданцев даҳаси, 6-уй, 7-хонадон.

55-22-11 рақамли телефонимиз икки ойдан буён «мум» тишлайди. Тузатишга буюртма берсак, «Қабул қилдик, бажарамиз!» дейишади-ю, аммо ҳеч нима қилинмайди. Ўзим эса касалмандман. Болаларим «Тез ёрдам»га чопавериииб чарчашди.

И. УМАРОВА,

шахсий пенсионер, Фрунзе ноҳияси, Бобоев кўчаси, 100-уй.

Муштарий таклиф қилади

ХИЗМАТЛАРИ КАТТА

Шаҳримизда эл учун, юрт учун бутун умрини, бор билимини фидо этган кишилар кўп. Уларни ёд этиш, номини абадийлаштириш биз тирикларнинг бурчидир.

Бизнинг олийгоҳда ҳам шундай фидойилар кўп. Улардан бири — марҳум, филология фанлари доктори, профессор М. А. Абдураззоқовдир.

Муҳаммад Аббосович олийгоҳимизда кўп йиллар ишлаб, ўзбек фанининг ривожланишига катта ҳисса қўшди. У 1965 йили М. Торез номли Москва Давлат чет тиллар институти илмий кенгашида роман тилшунослиги бўйича номзодлик диссертациясини, 1987 йилда эса ССЖИ Фанлар академиясининг тилшунослик олийгоҳида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У Ўрта Осиёда етишиб чиққан биринчи романист фан номзоди, биринчи ва ягона фан доктори, профессор эди. Унинг раҳбарлигида фан доктори ва ўнлаб фан номзодлари етишиб чиқди. Унинг ўнлаб шогирдлари ҳозир жумҳуриятимизнинг турли олийгоҳларида ёшларга тарбия беряпти. Хуллас, бир сўз билан айтганда, унинг хизматлари беқиёс...

Биз, профессор Муҳаммад Абдураззоқовнинг ҳамкасблари ва шогирдлари унинг номини Тошкент кўчаларидан бирига беришни шаҳар Атамалар комиссиясидан илтимос қиламиз.

М. НИШОНОВ,

Ф. Энгельс номли Тошкент Давлат чет тиллар олийгоҳи француз тили куллиёти декани.

Жами 250 имзо.

«Оқшом»га жавоб берадилар

«Маоши ўзига, ташвиши-чи?» (13. 07. 90 йил)

Куйбишев ноҳияси ижроқўми фуқаро А. Шерхоновнинг арзида келтирилган фактларни тўғри деб топди. Айни пайтда Морской, Горький, Черданцев кўчаларидан ахлат ўз вақтида олиб кетиляпти. Бу кўчаларда дарахтларни буталаш ҳам вақти-вақти билан ўтказилмоқда.

Р. МУСАБОЕВ,

Куйбишев ноҳияси ижроқўми раиси муовини.

Ёдномалар

БАҒРИ КЕНГ АЛЛОМА

БИРИНЧИ шеърлар мажмуам Ғафур Ғулом номли нашриётнинг 1967 йилги режасига кирган эди. Нима бўлди-ю, шу орада шеърият муҳарририяти бўлим бошлиғи ўзгариб, китобим режадан чиқиб кетибди. Бир куни янги бўлим бошлиғи ҳузурига, илк китобим қай аҳволдалигини билиш учун яна бордим. У мени гўё хафахон ҳолда кутиб олди. Сабабини суриштирсам:

— Э, дўстим, директоримиз янгича буйруқ бердилар. Ёш шоирларнинг илк китобини устоз Миртемир кўриб, имзо чекар эканлар. Домлага маъқул бўлса, сўнг планга киритамиз, деб. Хоҳланг китобни ўзингиз олиб боринг, вақтингиз бўлмаса устоз келганида бериб юборамиз.

— Бунинг нимаси ёмон. Миртемир домла китобимни кўрадиган бўлсалар ўзим олиб бораман, — дедим мен.

Қўлёзмани қўлтиқлаб домланинг уйига йўл олдим. У киши Ишчилар шаҳарчасидаги Кисловодск (ҳозирги Миртемир) кўчасида яшар эканлар. Қўнғироқ тугмасини босган эдим, эшикни бир йигит очди, ўғиллари бўлса керак. У йигит ҳеч иккиланмай, қўлтиғимдаги папкани кўриб, хойнаҳой «дадамнинг шогирдлари бўлса керак», деб ўйлади шекилли, тўғри домланинг ёнига бошлаб борди. (Кейинчалик унинг исми Миржалол эканлигини билиб олдим). Менга ўхшаган ёшлар устознинг ёнига тез-тез йўқлаб келгани учун, ўғиллари ҳам кўникиб қолган экан. Домла мени ичкарига, меҳмонхонага таклиф қилдилар. Юқорига ўтишга қисташларига қарамай, пойгакдаги стулларнинг бирига ўтирдим. Ўзлари юқорироққа ўтиб ўтиргач, нашриётдан келганимни айтдим. Қўлимдаги папкани ёнимдаги бўш стулга қўйдим. Бу билан мен шу қўлёзмани олиб келдим ишорасини қилгандим. Домла бош ирғаб, тушундим дегандай:

—Маъқул, — дедилар-да, аллақачон ноз-неъматга тўлдириб қўйилган тўкин дастурхонга таклиф этдилар. — Қани бўтам, нондан олинг! — дея, пиёлага чой қуйиб узатдилар. Мен чойнакка қўл чўзиб, чойни ўзим қуяқолай, дегандим:

— Бўтам, чойни мезбон қуйиши керак! — дедилар-да, мени олиб ўтиришга ундадилар. Бу орада кеннойи чойни янгиладилар. Кетидан ош сузиб келинди. Зиёфат қуюқ, лекин мажмуа ҳақида гап йўқ. (Кейинчалик билдимки, бу даргоҳдан ҳеч меҳмон аримай, доимо дастурхон ёзуғлиқ экан!). Китобимни кўрмайсизми, дейишга ийманаман, уяламан. Фикримни уқаётгандек домла бирдан исмимни сўрадилар.

— Барот! — дедим, сўнг — Исроилов, — деб қўшиб қўйдим.

— Барот дегани бу барот ойидан олинган, ҳижрий йил ҳисобида шаъбон ойидир. Баротнинг иккинчи мазмуни, подшо томонидан бериладиган оқлиқ қоғози ёхуд ёрлиқ хати, тушундингизми, — уқтирдилар домла. Сўнг: — Барот Исроил ўғли экансиз-да, жуда яхши... — дедилар.

Мен ўз навбатида ташаккуримни билдирдим. Шундан кейин жим бўлиб, ҳаёлга чўмдилар. Қизиқ, нималар ёдига тушди экан, гоҳ-гоҳ домлага қарашга журъат этаман.

— Мен ҳам сизга ўхшаб юрганларим ёдимга тушди. Билишимча, деҳқон фарзандига ўхшайсиз.

— Шундай домла, дадам деҳқон, арава ҳам ҳайдаганлар, отбоқар ҳам бўлганлар.

— Ҳа, заҳматкаш одам экан. Сиз ҳам менга ўхшаб шаҳардан бахт излабсиз-да. Мен ўн бир ёшимда Тошкентга келиб қолганман. Онадан уч қиз, икки ўғил эдик.

Бу сўзлардан кейин анча дадиллашдим, домла мени беихтиёр суҳбатга тортмоқда эди.

— Биз онадан икки қиз, бир ўғилмиз. Укам иккинчи дадамнинг олдинги аёлларидан.

— Ҳа, ҳаёт шунақа, — дедилару, бошқа ҳеч нима демадилар.

Кейинчалик билсам устознинг ўз онасидан ташқари, ўгай оналаридан бир неча укалари бўлган экан. Уларнинг ҳаммасини уйлантириб, жойлантириб, доимо ҳолаҳволидан хабар олиб турганининг гувоҳи бўлдим.

Шундай қилиб, домла билан суҳбатга киришиб кетдик. Ўн тўрт ёшимда еттинчи синфни битириб Эски Жўвадаги матбаачилик билим юртида ўқиганимни, у ерда «печатник» ихтисоси бўйича ҳунар ўрганиб сўнг босмахонада ишлаганимни, ундан кейин Низомий номидаги муаллимлик олий билимгоҳининг ўзбек тили ва адабиёти куллиётини тугатиб, «Ленин учқуни» рўзномасида адабий ходим вазифасида ишлаётганимни қисқача қилиб айтиб бердим.

— Ҳаётнинг ўзи тарбиялайди, Баротвой. Фақат яхшидан ёмонни ажрата билиш керак. Ҳалол, покиза бўлса йигитга ўлим йўқ, деган машшойиҳлар. Ўрнингизни топибсиз, «Ленин учқуни» жуда кўп ижодкорларни тарбиялаб, катта ижод сари учирган, ўшалар қаторига қўшилсангиз ажаб эмас.

— Раҳмат, домла! — дедим секингина, сўнгра билимгоҳда Натан Муродович Маллаев аспирантурада олиб қолмоқчи бўлганида кўнмаганимни, у киши эса мени «Ленин учқуни» рўзномасига бошлаб бориб ишга жойлаб қўйганини гапирдим.

— Яхши одамлар кўп. Натан Муродович зукко адабиётшунос, улкан навоийшунос олим. У кишики сизга меҳр қўйган экан, ишончини оқлаш лозим...

Сўнгра Миртемир домла илк ўқитувчиси Олим Шарафиддиновни биринчи шеърлари матбуот юзини кўришдаги хизматини, кейинги йигирманчи йиллардаги ижодининг ўсишида олимнинг кўмакдош ва маслаҳатчи бўлганини гапирдилар. Аввал «Алмаи» интернатида, икки йилдан кейин янги шаҳардаги «Ўзбек эрлар билим юрти»да ўзлари экиб, ўзлари йиғиб, ўзлари тикиб, ўзлари кийганларини эсларкан, деярли ҳамма ҳунар ўргатилишини мароқ билан сўзладилар.

— Қизғин давр эди. Бизлар оташ эдик. Аёзларда оёқда чувак билан Ўрданинг илгариги лопиллаб турган кўпригидан ўтиб намойишга борардик. Ўша пайтда Тошкентнинг жин кўчалари кўп эди. Қизғин давр сабоғи чакки бўлмади. 1928 йилда «Шуълалар қўйнида» номли илк китобимни босишди. Нашриётга чақириб қалам ҳақи берганларида «Пул ҳам берасизларми?» деб ҳайрон бўлганман. Насиб қилса Сизнинг ҳам тўпламингиз нашр этилади. Тушкунликка тушмай ёзиш керак. Келажак олдинда. Ҳали мен ҳам кўнглимдаги кўп шеърларни қоғозга туширолганим йўқ. Ишлаш, ишлаш ва яна ишлаш лозим, ана шунақа, — дедилар домла дўппиларини столнинг бир чеккасига аста авайлаб қўярканлар, сўнг сийраклашган мошгуруч сочларини орқасига силадилар-да, секингина:

— Мирзатой, кўзойнагимни келтир, — дедилар.

Мирза қўлида кўзойнак билан салом бериб, кириб келди. Домла менинг тўпламимни қўлга оларканлар:

— Хў...ш! — дея қироат билан папкани очиб варақлаб, шеърларимни ўқий бошладилар. Гўё танамда чумоли юргандек жимирлаб кетди. Нафасимни ичимга ютиб, домланинг оғзини пойлайман. Худди имтиҳон топшираётган талаба сингари ҳис этдим ўзимни. У киши шеъримни мутолаа қилиш билан банд. Шу он хаёлимдан нималар кечмади, дейсиз. Ўн беш йилдан бери ёзган шеърларим ва достоним. Борди-ю, домлага ёқмаса нима қиламан? Қўлёзмани кўтариб қаерга бораман. Шунча ўтган умр-чи, наҳотки шеър ёзаман, деб ўзимни алдаб юрган бўлсам. Ниҳоят домла, қоғоздан бош кўтариб, «маъқул!» дедилар ва:

— Шеърларингизда эҳтирос бор, бир бутун ўқиб чиқиш керак. Ўқиса арзийдиган китоб бўлади. О...га. айтинг, қўрқмасдан келгуси йил планига киритаверсин. Мен розиман. Унгача ҳамма шеърларни ўқиб чиқиб, таҳрир қилинадиган мисраларнинг тагига чизиб қўяман. Белни икки жойдан боғлаб ишлайсиз. Уч-тўрт кундан кейин хабар олинг. Албатта ўқиб қўяман. Агар соғ бўлсам, ўзим муҳаррирлик қиламан.

Устознинг илиқ сўзларини эшитиб, елкамдан тоғ ағдарилгандай бўлди. Шодлигимдан бошим осмонда. Уйга қандай етиб келганимни билмайман. Қувончим ичимга сиғмайди. Ахир, Миртемирдек ҳассос шоирга ўз шеърингни маъқул қилишдан ҳам юксакроқ шодлик борми дунёда!

Миртемир шунақа бағри кенг шоир эди. Устознинг этагини менга ўхшаб, ушлаб шоир бўлганлар бутун бир авлодлар. Улар Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Азиз Абдураззоқ, Тўра Сулаймон, Сайёр, Олимжон Холдор, Нормурод Нарзуллаев, Омон Мухтор, Барот Бойқобилов, Отаёр, Ҳайдар Муҳаммад, Саъдулла Аҳмад, Абдулла Шер, Абдулҳай Носиров ва ҳозирги кунда ўзбек адабиётини тебратиб турган бошқа етук шоирлар. Мени тақдир шундай буюк шоир билан учраштирганидан мамнунман. Устознинг эҳтиросли шогирдлари қатори мен ҳам давримизнинг буюк алломаси Миртемир кўчасидан бориб, ўзбек адабиёти гулшанига қадам ранжида қилганим билан фахрланаман.

Барот ИСРОИЛ,
шоир.

КЕЛАЖАГИ КУНДЕК РАВШАН

МИЖОЗИНИНГ СЎЗЛАРИНИ ДИҚҚАТ БИЛАН ТИНГЛАЁТГАН ҚАБУЛХОНА БЕКАСИГА ШИКОЯТ МАЗМУНИНИ ЁЗИБ ОЛИШ УЧУН НА ҚОҒОЗ, НА ҚАЛАМ КЕРАК БЎЛДИ. У СУҲБАТДОШИДАН ЁЗМА РАВИШДА АРИЗА БЕРИШНИ ЁКИ БЛАНКАЛАРНИ ТЎЛДИРИШНИ ҲАМ ТАЛАБ ҚИЛГАНИ ЙЎҚ. БАРМОҚЛАРИНИ ЁЗУВ МАШИНКАСИГА ЎХШАБ КЕТУВЧИ ПУЛЬТ КЛАВИШЛАРИ УЗРА ОҲИСТА ЮГУРТИРИБ, ОРТИҚЧА ТАФСИЛОТЛАР ВА ҲИС-ҲАЯЖОНЛИ ЧЕКИНИШЛАРСИЗ БАРЧА ЗАРУР НАРСАЛАРНИ ТЕЗДА ҚАЙД ЭТДИ ВА АХБОРОТНИ ДАРҲОЛ ТЕГИШЛИ ЧОРА КЎРИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН КИШИЛАРГА УЗАТДИ.

БУНДАЙ манзарани қаерда кузатиш мумкин эканлигини ўқувчи топа олмаса керак. Айтиб қўя қоламиз — шаҳар уй-жой бошқармасида. Бошқармада шу йилдан бошлаб ана шундай иш усулига ўтишга ҳозирлик кўрилмоқда. Бошқарувнинг автомат системаси мазкур усулнинг асосини ташкил этади. Режа-иқтисодиёт, ишлаб чиқариш-техника, шикоят ва аризалар бўлимлари ҳозирданоқ ўз ишларида ана шу системадан фойдаланишяпти. Вақти келиб, шаҳар уй-жой бошқармаси, уй-жойлардан фойдаланиш ишлаб чиқариш бирлашмалари қабулхоналарининг котибалари инспектор-оператор бўлиб қолишади, бош компьютер эса барча ноҳияларнинг бошқарув автомат системасини ягона тармоққа бирлаштиради. Улар олинган аризаларнинг сони, ижро муддати ҳақидаги барча ахборотларни ўз хотирасида сақлайди, зарур ҳолларда тегишли маълумотларни беради, шунингдек «паришонхотир» ижрочиларга топшириқларни эслатиб туриши мумкин.

Шаҳар уй-жой бошқармасининг ишини компьютерлаш соҳасидаги дастлабки одимлар янгилик қулай, машаққатли меҳнатдан озод қилади, вақтни тежайди ва энг муҳими, маълумот-ахборот бериш имкониятлари доирасини бирмунча кенгайтиради, деб хулоса чиқариш имконини беради. Сабаби, зарур рақамни «эслаш» учун кўп сонли қоғозларни титиб ўтиришнинг ҳожати йўқ — тегишли тугмачани босишнинг ўзи кифоя.

«Парус — Сибирь торгинтернейшнл» қўшма корхонаси илмий-ишлаб чиқариш бўлимининг бошқарувнинг автомат системаси бўлими жойлашган мўъжазгина хона бироз торроқ бўлса ҳам, ишлар ўз йўли билан борарди. Ўз ишига берилган ёш мутахассислар қулайсизликларга эътибор ҳам беришмасди.

— Ҳозир биз иш жойларини автоматлаштириш дастурлари мажмуини ишлаб чиқаяпмиз, — деб ҳикоя қилади программаловчи АСУ (бошқарувнинг автомат системаси) бўлимининг бошлиғи И. Рейнов, — Улардан шаҳар уй-жой бошқармаси барча бўлимларининг ходимлари фойдаланиши мумкин.

Аммо компьютерда ишлаш учун тажрибага, ҳеч бўлмаганда маълум кўникмага эга бўлиш керак-ку?

— Ҳамма гап шунда-да, — деб давом этади Игорь. — Шахсий компьютерлар нисбатан мураккаб эмас. Оператор вазифасини ҳар қандай киши — бир ярим — икки соатлик «саводсизликни тугатиш курси»ни битирганидан сўнг бажариши мумкин, программалаш соҳасида қандайдир махсус билимларнинг кераги йўқ. Мана, мисол учун биз шаҳар уй-жой бошқармаси режа-иқтисодиёт бўлимининг даромадлар ва сарф-харажатларга доир шошилинч ва статистика ахборотларини қайта ишловчи ходимлари учун дастур тайёрлаганмиз. Бу иш, ўзингиз тушунасиз, ғоят даражада қунт, сабр-қаноатни талаб қилади, шу билан бирга кўп вақтни олади. Бизнинг мажмуа хўжалик-молия режасини тузиш, йиллик ҳужжатларни, техник характеристикаларни олиб бориш, жорий таъмирлаш, даромадлар ва сарф-харажатлар режаси ижросининг таҳлили каби юмушларни автоматлаштириб, вазифаларнинг бир қисмини ўз зиммасига олди. Ахборот машина хотирасита жуда оддий киритилади, у йилларга, йил чоракларига, асосий ва ёрдамчи моддаларга тақсимланиши, сўнгра қайта ўқилиб, пировард маълумотларни бериши мумкин. Бундан ташқари компьютер билан ишлаш қатъий тартибга ўргатади.

Ҳадемай, шаҳар уй-жой бошқармасининг ходимлари «Меҳнат ва иш ҳақи», «Иккиламчи хом ашё ҳисоб-китоби», «Ҳужжатлар ижросини назорат қилиш», «Ижара» дастурларидан фойдаланишлари мумкин.

Программаловчи Ирина Ким «Кадрлар» дастури таркибий қисмларини намойиш этади. Унинг ёрдамида ходимларнинг шахсий варақаларига асосланган узоқ муддатли ва шошилинч маълумотлар машина хотирасига киритилади. Мабодо бирор лавозимга тайинлаш, хизмат вазифасини ўзгартириш, мукофотлаш ҳақидаги буйруқ керак бўлиб қолса-чи?

— Ана шу буйруқ кўз олдингизда намоён бўлиши учун тугмачани босишнинг ўзи кифоя, — дейди Ирина. — Бу ишларнинг нақадар самарадорлигини икки рақамни бир-бири билан қиёслаб тезда тасаввур этиш мумкин: ҳозир шаҳар уй-жой бошқармасининг кадрлар бўлимида бир киши, бутун бошқарма системасида эса 11 минг киши меҳнат қилади.

Ишлаб чиқариш-техника бўлимининг бошлиғи Р. А. Маҳмудов компьютер билан эркин муомала қилади.

— Ҳисоботларни тузиш учун бошимиздан кўмилиб ишлайдиган вақтлар ўтмиш бўлиб қолди, — дейди у кўп сонли ҳужжатлар тахланиб ётган шкафга ишора қилиб. — Ваҳоланки, қишга тайёргарлик вақтидагина биз шаҳардаги 8 мингдан зиёд хонадонларни бирма-бир айланиб чиқамиз. Олинган маълумотларни хотирада сақлаш амри маҳол, ёзиб борамаи десанг — қўл толиқади. Илгари жорий таъмирлаш ишларига доир ахборотни йиғиш учун бир ҳафта керак бўларди, ҳозир эса атиги икки-уч минут етарли. Барча зарур маълумотлар ихчамгина дискетда жойлашади. Бунинг яна бир афзаллиги шундаки, маълумотга осонгина тузатиш киритиш мумкин.

Шундай қилиб, бошқарувнинг автомат системасининг келажаги порлоқ эканлиги кундек равшан. Аммо ана шу янгиликнинг самарасини ҳали ҳам қабулхоналарда навбат кутиб қимматли вақтини ўтказаётган шаҳар аҳолиси ҳам тезда ҳис этишини истар эдик.

Ойдин ҲАКИМОВА.

СУРАТЛАРДА: шаҳар уй-жой бошқармаси бошқарувнинг автомат системаси бўлимининг ходимлари (чапдан) етакчи муҳандис С. Вайс, бош мутахассис О. Спирин, программаловчи-муҳандис С. Плоцен; шаҳар ижроқўми уй-жой бошқармаси режа-иқтисодиёт бўлимининг ёш мутахассиси Гавҳар Алиева.

Р. Шарипов суратлари.

Фан оламида

⊙ ЎЗБЕК АСАРЛАРИ — АҚШда

Нью-Йоркдаги «Академик пресс» нашриёти ўзбек олимларидан Ҳ. Аслонов, Ю. Қўшмуродов ва О. Содиқовларнинг «Лупин алкалоидлари» монографиясини босиб чиқарди. Доришунослик, тиббиёт, кимё ва бошқа соҳалар учун катта аҳамият касб этувчи алкалоидларга бағишланган ўзбек олимларининг инглиз тилида нашр этилган ишлари Қўшма Штатлардан ташқари Англия, Япония, Германия каби ва бошқа йирик мамлакатларда тарқатилмоқда.

⊙ ОЛИМАНИНГ ИХТИРОСИ

Тошкент политехника олий илмгоҳи муҳандис-технологик куллиёти доценти Собира Абдураззоқова кўп йиллардан бери микроорганизмлардан узум виноси тайёрлаш устида илмий изланишлар олиб борарди. Яқинда бу ишларни ниҳоясига етказиб, олима уларни ўзининг докторлик диссертацияси сифатида муваффақиятли ёқлади.

Сочидаги «Магараж» виночилик илмий-текшириш илмгоҳида ўтказилган илмий кенгаш мажлисида ўзбек олимасининг фанга қўшган муҳим ҳиссаси юқори баҳоланди. Жумҳуриятимизнинг вино заводларида янгиликдан қўллаш келажакда катта иқтисодий самара бериши кўрсатиб берилди. **Қ. АҲМЕРОВ.**

Хоҳ ишонинг, хоҳ...

ИНСОН РУҲИНИНГ ВАЗНИ

«Руҳ» ва «кўнгил» сўзлари тилимизга қаттиқ ўрнашиб қолган. Шундан бўлса керак ҳар куни «Руҳим енгил тортди», «Кўтаринки руҳ», «Қалби кенг киши», «Кўнгли беғубор» каби ибораларни тез-тез ишлатиб турамиз. Руҳнинг ўзи нима? Бу ҳақда олимларнинг фикрлари қандай?

Маълумки, имон, эътиқодга кўра қазо сониясида руҳ танамизни тарк этиб, фоний дунёдан кетади. Шундан келиб чиқиб америкалик тадқиқотчилар: «Руҳни тортиб кўриб бўлмасмикан?» деган қарорга келдилар. Мазкур муаммо айтилди ҳам, ўзига хос ҳал этилди ҳам. Олимлар ҳаёти тугаш олдида турган одам вазнида бўладиган барча ўзгаришларни табобатга аён томонларини ҳисобга олган ҳолда, махсус тарози ясадилар. Қатор тажрибалар амалга оширилди. Олинган маълумотлар кўпчилик кутганидан афзал бўлди. Натижа грамминг мингдан бир улуши миқдорида бўлса керак, деб хаёл қилинган эди. Аниқ маълумотга кўра эса, инсон руҳининг вазни 2,5 дан 6,5 граммгача экан!

Ленинградлик шифокорлар асбоблар ёрдамида қуйидаги туб моҳиятни қайд этишга муваффақ бўлишди. Ҳаётдан кўз юмиш олдида инсон танасидан тухум шаклидаги аллақандай мавжудот ажралиб чиқади. Тўғри, инсон руҳини кўзлари билан кўриб, «қўл билан ушлаш»га ҳозирча ҳеч ким муваффақ бўлмаган.

Ориф ФОЗИЛОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

Ўзбекистон ССЖ Халқ таълими вазирлиги
Тошкент халқ таълими Бош бошқармаси
«ТАШСЕЛЬМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси
3-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
«автоматчи-токарь» ихтисоси бўйича
1991 ЙИЛ УЧУН

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Тошкент шаҳрида ва жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларида истиқомат қиладиган, Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшатилган йигитлар қабул қилинади.

Ўқиш даври меҳнат фаолиятига қўшиб ҳисобланади, стипендия тўланади, ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида эса 50 фоиз иш ҳақи тўланади.

БИЛИМ ЮРТИНИ БИТИРГАНЛАР «ТАШСЕЛЬМАШ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА ДОИМИЙ ИШГА ЮБОРИЛАДИЛАР.

МАШҒУЛОТЛАР — ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб этилади: ариза, маълумоти тўғрисида аттестат, 3х4 см. катталикдаги ва 6 та фотосурат.

Ҳужжатлар «Ташсельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг кадрлар бўлими ва билим юрти қабул комиссияси томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент шаҳри, 50-алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй (21, 49-автобусларнинг «3-ҳунар-техника билим юрти» бекати). Телефонлар: 65-06-55, 65-06-54.

Ўзбекистон ССЖ Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

14-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1990-1991 ўқув йили учун

МОНТАЖЧИ, ЭЛЕКТР-ГАЗ ПАЙВАНДЧИ ИХТИСОСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишга Совет Армияси сафидан қайтиб келган, 10 ёки 11 синф ҳажмида маълумоти бўлган, Тошкент шаҳрида ва унинг атрофида яшовчи шахслар қабул қилинадилар.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Ўқиш даврида ўқувчиларга 110 сўм миқдорида стипендия ва ишлаб чиқариш тажрибаси — (практика) даги иш ҳақининг 50 фоизи тўланади.

ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Билим юртини тугатганлар ЎзССЖ монтаж ва махсус қурилиш вазирлигига қарашли «93-МАХСУС ТРЕСТ»га доимий ишга юбориладилар.

ЎҚИШ ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, ўрта маълумот ҳақидаги ҳужжат, тиббий маълумотнома, 3х4 см. ҳажмидаги 6 дона фотосурат, турар жойидан маълумотнома, паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлик ҳақидаги ҳужжат қабул комиссиясига шахсан кўрсатилади.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳар, Ҳамза ноҳияси, Оқдарё кўчаси, 122-уй, (12, 37, 52, 68, 183-автобус; 5, 26-трамвайларнинг «Ёғ-мой комбинати» бекати, 15, 26, 161-автобусларнинг «Жамила» дўкони бекати). Телефон: 91-33-94.

«ТАШЭКС»
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ
шошилинч суръатда

кенг қамровли станокчи
механик-йиғув ишлари слесари
ихтисосликлари бўйича
Совет Армияси сафларидан ўз хизмат бурчини ўтаб қайтган ёшларни

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқишни тамомлаган ёшлар кейинчалик «ТАШЭКС» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қиладилар.

Завод болалар комбинатига, шинам ётоқхоналарга эга. Ишга қабул қилинганлар шаҳар фуқаролигига ўтказилади.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 3 ОЙ.

Стипендия — 109 сўм.

Ўқиш гуруҳларнинг тўлишига қараб бошланади.

Бизнинг манзилгоҳ: Тошкент шаҳри, Содиқов кўчаси, 6-уй, (4, 5-троллейбусларнинг «17-СПТУ» бекати; 42-маршрутли автобуснинг «Куйбишев майдони» бекати).

Телефонлар: 68-67-09, 68-68-74, 35-62-92.

Тошкент шаҳар халқ таълими бошқармаси

42-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
Қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Электргаз пайвандчи, механика-йиғув ишлари чилангари, кенг йўналишдаги дастгоҳ ишчиси, электромонтажчи.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Билим юртига 35 ёшгача бўлган ўрта маълумотли, Тошкент шаҳри ва шаҳарга яқин ноҳияларда яшовчи йигитлар қабул қилинади. Ўқиш муддати меҳнат стажига киради. Ҳар ойда стипендия ва меҳнат амалиёти вақтида ойлик маошнинг 50 фоизи берилади. Билим юртини аъло баҳо билан тамомлаган ўқувчиларга олий ўқув юртларига кириш учун йўлланма берилади.

Билим юрти ҳузурида бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ва спорт шўъбалари ишлаб туради.

ЎҚИШ 1991 ЙИЛ 15 ЯНВАРДАН БОШЛАНАДИ.

Қуйидаги ҳужжатлар топширилади: паспорт ва маълумоти тўғрисидаги ҳужжат.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Ж. Обидова кўчаси, 70-уй. (9, 24, 51, 60, 67, 72, 91, 156, 165-автобуслар; 2, 16, 22, 25, 8 29-трамвайларнинг «Ғалаба хиёбони ва Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси» бекати. **Телефон:** 34-37-14.

Қулинг дўстлар, умрингиз узун бўлади

Юсуфжон қизиқ ШАКАРЖОНОВ.

...Ярми чин сўзлар

⊙ САРПОЛАР МУБОРАК!

Янги йил арафасида Марказий универмагдаги тижорат дўконида машҳур тарихий шахслардан қолган буюмларнинг ким ошди савдоси ўтказилди. Амир Олимхоннинг зар тўни қассоб Қўчқорхонга, Худоёрхон кавуши «Тилла» ширкатининг раиси Сотимбекка, Ғафурнинг эски ямоқ гуппи чопони юк ташувчи Бегимқул Ғафуровга, Йўлчининг йиртиқ чориғи деҳқон Сайидқул Йўлчиевга насиб этди.

Табаррук буюмларнинг янги эгалари — сарполар муборак бўлсин!

⊙ ЭЪЛОН

Тагида машинаси, ўзи яхши, тўқ оиладан, юқорида, айниқса дўкон ва омборхоналарда қариндош-уруғи бор, оёқ-қўли чаққон йигит уч йилда (ақл ва қобилиятидан қатъи назар) фан номзоди унвонини олиб бериш шарти билан шогирдликка қабул қилинади.

Профессор Таъмагир МИННАТОВИЧГА учрашилсин.

⊙ ТАЪЗИЯНОМА

Сув хўжалиги вазирининг хонасига рамзий маънода осиб қўйилган тошкесар Фарҳоднинг чўкмори «Аму-Орол-Сирводстрой» бошқармаси бошлиғининг бошига бехосдан тушиб кетганлиги сабабли, ул зотнинг оила аъзоларига Орол тўла кўз ёш билан таъзия изҳор этамиз.

Бир гуруҳ чўлдек қақраган дўстлари.

⊙ ОТАСИНИНГ БОЛАСИ

— Ада, кўчага чиққим келяпти!

— Қани, аввал яхшилаб, қуюқ бир салом берчи!

— Ассалому алайкум, адажон!

— Ҳа, яша! Энди ойингга боргин, нима қилиш кераклигини маслаҳат беради.

— Ойи, маслаҳат берарканси́з.

— Вой, ойиси айлансин дўмбоғим, мендан маслаҳат сўраган ақллигим! Сен-чи, бошингга дўппи кийиб бирпас кўча айланиб кел, хўпми?

— Хўп, олдин сиз маслаҳат беринг!

Абдураҳмон ИБРОҲИМОВ.

ҚАТРА ХАНДАЛАР

⊙ ТЎЙДА

— Энди табрик учун сўз навбатини куёвнинг тоғаси Абдумажид акамларга бераман.

Тўйхона омборидан шошиб чиқиб келган жувон базмни олиб бораётган йигитга оҳистагина деди:

— Абдумажид акангиз ўртага чиқиб сўз айтолмайдилар, оёқда зўрға турибдилар, бу ёғига узр, раис укам.

⊙ МАСТ ЭМАСМАН

Адашиб қолган маст киши дуч келган биринчи эшикни тақиллатди. Ичкаридан аёл киши чиқиб эшикни очди:

— Кечирасиз, бу менинг уйим эмасми?

— Йўқ, адашибсиз, — дея эшикни беркитмоқчи бўлди аёл.

— Э-э-э, тўхтанг, мабодо сиз менинг хотиним эмасмисиз?

— Эсингиз жойидами, кечаси уйқуни бузганингиз етмагандай, яна алжирайсиз, хурмачангизга сиққанича ичсангиз бўлмайдими?

— Бақирманг, мен тўғриликча сўраяпман, агар хотиним бўлсангиз уйга олиб кетмоқчи эдим, мен маст эмасман, ҳи-й-иқ!

⊙ ЭСИНИ ЕГАН

Ярим кечада маст ҳолда кириб келган эрига хотин деди:

— Бу нимаси, а? ...Эрталаб бозорга кетган одам ярим кечада қуп-қуруқ келса-я, ҳа, бозорлик қани, уйда болаларим кутиб ўтирибдиям, деб ўйламайсиз, а?

— Намунча куюнасан хотин, ахир тушунсанг-чи, қаерга кетаётганим эсимдан чиқиб қолиб сўрагани келгандим, ҳозир кетаман. Демак бозорга юборгандинг-а?

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

КУЛГИ ЗАВҚИ.

С. Маҳкамов сурати.

Бувижон, ўқиб беринг

ЖАЖЖИ ШЕЪРЛАР

ФИЛНИНГ ДУМИ

Шерзод дер филга қараб тураркан:
«— Ия! Иккитадан думи бор экан!»

САВОЛ-ЖАВОБ

— «А» қандай ёзилар, Гулнора?
— «А» дақа ёзилар, Нигора!

МЕНИМЧА:

— Палов ширин бўлганда, Қолмасмиди лаганда?

УНГА МАЗЗА

Жирафага, том оша,
Цирк ҳам бепул томоша

ҚОЙИЛ ИШ

Аррани чархлади Ўткир:
Уз кесади-я, жа... ўткир—!

БЕПАРВО

«Биғ»иллаб чақалоқ йиғлар:
— Қўявер кўзи қора бўлар!

Анвар МИРЗАЕВ.

Бордон бекор ҳангомалари

Янги этик

Бордон бекорнинг айтишича бу воқеа кеч кузда бўлган экан.

Хотинининг ғиди-бидисидан тўйган Бордон охири қўлига кетмон олишга мажбур бўлибди. Аёлларнинг одати шу эмасми, иш битса жуда эшилиб кетишади.

— Барака топинг илойим, — дебди парвона бўлиб у, — ўзи бордондаккина жой, чопиб қўя қолинг.

— Ҳали сен бордонда ўтирганимни юзимга соласанми? — дебди Бордон хуноби ошиб, — эски этик сиғмаяпти, этик топсанг чопаман.

Хотин гапирган гапидан минг пушаймон бўлиб, дўконга йўл олибди. Кўчага чиқиши билан эшиги тагида ўриндиқда ўтирган ён қўшниси Мамараҳим хандонга кўзи тушибди.

— Ҳа, янга йўл бўлсин? — сўрабди у, — ака Бордон уйдамилар?

— Ҳе, Бордон акангиз тушмасин! — ҳасрат қилибди аёл, — этикка кетаётибман.

Воқеани эшитган Мамараҳим уйидан янги этик кўтариб чиқибди. Қўшнисини кўриб Бордоннинг чиройи очилибди.

— Кел, хандон, зап вақтида келдинг-да, — қўшнисининг қўлидаги этикни кўриб ажабланибди: — Ҳа, баҳай, тинчликми?

— Анча бўлувди олганимга, — сайраб кетибди Хандон, — қарасам янгам этик излаб кетаётибдилар. Овора бўлмасинлар деб кўтариб чиқа қолдим.

Бордон нноложкайтилп́ ... Бордон нолож этикни кийиб, ер чопишга тушибди. Ҳам тушлик яқинлиги, ҳам этикнинг ҳурмати уй бекаси қозонга уннаб кетибди. Ҳаш-паш дегунча овқат пишибди. Шароби антаҳур нўш этилгач, Бордон этигини ечибди.

— Ҳа, оёқни қисдими? — сўрабди Хандон.

— Эй, йўқ, бўлди-да, шунча иш қилдим. Этигингни олиб кетавер.

Шундай қилиб, икки қулоч ер кетмон кўрмай қолибди. Хотин шўрлик жаврай-жаврай ўзи чопиб қўйибди.

Бир куни яна Бордоннинг хотини эрига зарда қилибди:

— Ерникку бопладингиз, энди ҳеч бўлмаса токларни кесиб кўминг.

Бордон бундай қараса ток кесиш бош оғриқ.

— Кел, энди, бир йил кесилмаса кесилмас.

Хотиннинг фиғони ошибди.

— Вой, шўрим курсин-а! — дебди у, — уй-жойига қарамайдиган эркакдан ўлиб бўлдим.

Шу пайт девордан Мамараҳим хандоннинг боши кўринибди.

— Этикни олиб чиқайми? — дебди у.

Бордон қараса, чойхонадаги улфатлар ўртасида ток кесиш ҳам аския бўладиган.

— Ҳе..., — дебди у, — бу гал оёқ билан эмас, қўл билан ишлайман. Қўлқоп топсанг обчиқарсан.

Шу-шу Бордон бир ишни бошламасдан туриб олса, қўшни янги этикни девордан кўрсатиб қўяркан.

Илдиз

Чойхўрлар ўртасида «Кимнинг суянчиғи бор, қайси бири бақувватроқ» деган баҳс қўзғалибди.

— Энди бизникидан ўтаверсин, — дебди Тошмат тарвуз деган юмалоқ киши, — савдо бизнинг божа қўлида.

— Мираъзам дулдулнинг илдизи бақувват, — дебди Жўра кенгаш. — Битта авлоди мана Ортиқ бўлгандан кейин.

— Ҳа, — дебди Ортиқ ҳам, — ўз илдизимиз бақувват, ўзимиз ҳам анча йўғон илдизмиз.

— Ҳа-а, — дебди энсаси қотиб Бордон, — унинг қорнига ишора қилиб. — Уруғинг ўқ илдиздиру, аммо ўзинг пўк илдизсан.

ЧИРОҚ

Бекатга етиб келган Бордон симёғочни қучоқлаб турган Алимат пиёнга кўзи тушибди.

— Ҳа, анчадан бери турибсанми?

— Э, бир соат бўлди, — дебди пиён кўзлари сузилиб.

— Уйингга бормайсанми? Аҳволингни қара.

— Автобусга чиқаришмаяпти, ҳиқ!.., — дебди пиён.

— Ҳе, симёғочни қўйвор-да, — дебди Бордон, — бўлмаса чироғи катта экан деб поездга ҳам чиқаришмайди.

Калити қулоқда

Бордон бекор чойхўрликни авжига чиқариб ўтирган экан, рўпарасига эшак минган кимса келиб тўхтабди. Ўзбекчилик, Бордон унга мулозамат қилибди:

— Қани, тулпордан тушинг, чой ҳўпланг, биродар.

Кимса индамай эшакнинг биқинига туртибди:

— Ҳаҳ, баччағар-а, ўз номинг билан эшаксан! — Йиғлагудек бўлиб хитоб қилибди.

Бордон ўрнидан туриб, эшакнинг қулоғига бир нималар деб шивирлагандек бўлибди. Эшак бошини чайқаб, юриб кетибди.

— Унга нима дедингиз? — ҳайратдан ёқа ушлабди эгаси. — Йўлда тўхтаб қолса нима қиламан. Илтимос, ўша гапингизни айтинг.

— Агар тўхтаб қолса «қулоғингдан ажрайсанми ё юрасанми!» десангиз бас, — кулибди Бордон, — эшагингиз оёғининг калити қулоғида.

Тўплаб, «қолиплоачи»
Темур УБАЙДУЛЛАЕВ.

Мусаввир табассуми



⊙ — Беш тийинни деб бир соатдан бери эздингиз-ку одамни, инсоф борми сизда!!
— Ие, билетингиз бўлмагандан кейин суриштиришга ҳаққим борми-а!

⊙ — Билиб қўй, яна эримга илжайганингни кўрсам, мендан кўрадиганингни кўрасан-а!

⊙ — Емай-ичмай тўплаган пулларимнинг роҳатини сичқонлар кўрса-я...

Расмларни Ш. Субхонов чизган.

Бир қайнови ичида гаплар

«Йигит, юрагингиз қанча туради, бир кило тортинг».
(Қассоб билан суҳбатдан).

«Туннинг ҳам қоп-қора сочлари билинмай оқаради».
(Мухбирнинг табиатга ўхшатмаси).

«Мактаб ошхонаси овқатланиш хавфсизлиги ойлигини ўтказади».
(Эълондан).

«Янги дори уч ёшгача болаларга бепул берилади. Унинг нархи 5 сўм 90 тийин».
(Дорихонадаги эълондан).

«Операция пайтида йўқотган қонимни қайтиб беришмади».
(Бир хасталнинг гапидан).

«Тоғга яқинлашсак, оппоқ қорнинг қораси яққол кўзга ташланиб турар эди».
(Овчилар гапидан).

Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!
«Тошкент оқшоми» рўзномасининг навбатдаги сони 17 январда чиқади.

Муҳаррир
Э. М. ЭРНАЗАРОВ.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

4, 5, 6 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16 ВА 19.30 ДА

«ФАРҒОНА ТАРОНАЛАРИ»

ЯНГИ КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти совриндори, «КАМОЛОТ—90» кўригининг ғолиби

ОХУНЖОН МАДАЛИЕВ

ва хушовоз хонанда

ҚИЛИЧБЕК ТОЖИЕВ

раққосалар: Гулмира ШИРИНОВА ва Раъно ЗОКИРОВА.
Программани ЎТКИР СИДДИҚОВ олиб боради.
Касса соат 11 дан 19.00 гача ишлайди.
Телефонлар: 45-92-13, 41-74-30.

Ўзбекистон ССЖ халқ таълими вазирлиги «ЭЛЕКТРОМАШ» ишлаб чиқариш бирлашмаси базасидаги

47-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Радио-электрон ускуналари бўйича йиғувчи слесарлар, радио-электрон ускуналари бўйича монтажчилар, кенг профилдаги станокчилар, механик-йиғув ишлари бўйича слесарь-пайвандчилар.

Билим юртига кенг профилдаги станочниклар, радиоэлектрон ускуналари бўйича монтажчилар учун 2 йиллик синов гуруҳлари бор. Бу гуруҳларга қабул қилинган ўқувчилар 2 йил мобайнида ихтисослиги бўйича ва ўрта маълумот бўйича ҳужжат оладилар.

Билим юртига Тошкент шаҳрида доимий қайд қилинган йигит ва қизлар қабул қилинади.

9-синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар 2 ёки 3 йил муддатли ўқув курсларга қабул қилинади ва тўлиқ давлат қарамоғида бўладилар.

11-синф маълумотига эга бўлганлар ёки Совет Армияси сафларидан заҳирага бўшатилганлар учун ўқиш муддати 6—8 ой ва ҳар ойда 70 сўмдан стипендия билан таъминланадилар.

Ўқувчиларга ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 50 фоизи тўланади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш муддати иш стажига киради.

Ҳунар-билим юртида турли тўгараклар ва спорт секциялари ишлайди.

Билим юртини битириб чиққан кишилар Тошкент «Электромаш» заводига ишга юборилади.

БИЛИМ ЮРТИНИ ОЛТИН ВА КУМУШ МЕДАЛЬ БИЛАН БИТИРУВЧИЛАР ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА ИМТИЁЗЛИ РАВИШДА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар топширилади:

билим юрти директори номига ариза, туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, маълумоти ҳақида гувоҳнома, турар жойидан справка, 6 дона фотосурат (3х4 см.), 086 формадаги медицина справкаси.

ҲУЖЖАТЛАР СОАТ 9 ДАН 17.00ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти манзили: Тошкент шаҳри, Сергели — 2, 64а-уй, 40, 58, 75, 86, 98, 104-автобуслар; 19-троллейбуснинг «Сергели савдо маркази» бекати.

23-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

3-КЛАСС ТРАМВАЙ ВАГОНЛАРИ ҲАЙДОВЧИСИ.
Ўқиш муддати — 5 ой.

3-КЛАСС ТРОЛЛЕЙБУС МАШИНАЛАРИ ҲАЙДОВЧИСИ.
Ўқиш муддати — 6 ой.

ЎҚИШГА СОВЕТ АРМИЯСИ САФЛАРИДАН ЗАҲИРАГА БЎШАТИЛГАНЛАР, ШУНИНГДЕК 18 ВА УНДАН КАТТА ЁШДАГИ ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқишга қабул қилинганларга 86 сўм ҳажмида стипендия тўланади.

Бошқа шаҳардан келганларга ётоқхонадан жой бериладии ва шаҳарга прописка қилинадилар ҳамда улар Тошкент шаҳар трамвай ва троллейбусларида бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ҲАР ОЙНИНГ 5, 10, 20, 25 КУНИДА БОШЛАНАДИ.

Билим юрти қошида «В» тоифали ҳайдовчилар тайёрлаш курслари ишлаб турибди.

МАШҒУЛОТЛАР — ГУРУҲЛАР ТЎЛИШИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.

ҚАБУЛ КОМИССИЯСИ ЯКШАНБАДАН ТАШҚАРИ ҲАР КУНИ СОАТ 9 ДАН 17.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.

Маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилинсин; Тошкент шаҳри, Куйбишев ноҳияси, Красновосточная кўчаси, 3 «а» уй (17«э», 112-автобуслар; 6, 13, 22-трамвайлар; 8, 18-троллейбусларнинг «Красновосточное» депоси).

Телефон: 53-38-93.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ УЧУН МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАЙДИГАН

ТОШКЕНТ ШАҲАР 37-ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Совет Армияси сафларида хизмат қилиб қайтган йигитларни ва 11-синфларни битирган қизларни

қуйидаги ихтисослар бўйича

ЎҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

— ҳаракатдаги составни тузатувчи чилангар-электрчи,

— метро станцияси навбатчиси.

Ўқиш муддати — 10 ой.

Ўқувчиларга ойига 80 сўм ҳажмида стипендия, ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида 50 фоиз иш ҳақи берилади.

Билим юртини битирган ўқувчилар метрополитенда иш билан таъминланадилар ва уларга метрополитен томонидан қуйидаги имтиёзлар берилади:

— режанинг бажарилганлиги учун ҳамда ер остида ишлаганлиги учун маошга 15 фоиз қўшимча ҳақ тўланади:

— ССЖИнинг исталган жойига бепул бориш-келиш билети берилади;

— ихтисослашган поликлиника, шифохоналар хизматидан фойдаланилади. Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор ноҳияси, Д-20 мавзеси, 35-уй (50, 69, 78-автобуслар; 17-трамвайнинг «37-ҳунар-техника билим юрти» бекати).

Телефон: 76-89-05.

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

29, 30, 31 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА
1, 2, 3 ФЕВРАЛЬ СОАТ 16.00 19.30 ДА

ЯНГИ ПРОГРАММА

«ҲАЗИЛ—3»

КУЛГИ ВА ҚЎШИҚ КЕЧАСИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Мирза ХОЛМЕДОВ, Обид АСОМОВ, Ботир МУҲАММАДХЎЖАЕВ, Собит АСОМОВ, Тўхтамурод АЗИЗОВ ва бошқалар.

САҲНАЛАШТИРУВЧИ РЕЖИССЁР — Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист, Ҳамза номидаги Давлат мукофоти лауреати АБДУРАШИД РАҲИМОВ.

Чипталар соат 11.00 дан сотилади.
Жамоа буюртмаси қабул қилинади. Телефон 45-85-68.

Ўзбекистон ССЖ Маданият вазирлиги

М. Қориёқубов номидаги Ўзбек давлат филармонияси

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланади.

16, 24, 25, 26, 27 ЯНВАРЬ СОАТ 19.30ДА

АЛИШЕР НАВОИЙ РУҲИНИ ШОД ЭТИБ

Шерали Жўраев куйлайди

Чипталар сарой кассаларида соат 11.00дан сотилмоқда.

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА

15 ЯНВАРЬ СОАТ 19.00 ДА

КАТТА КОНЦЕРТ

ҚАТНАШАДИЛАР:
Ўзбекистон ССЖ халқ артисти
МАЛИКА АҲМЕДОВА
Ўзбекистон ССЖда хизмат кўрсатган артист
АҲМАДЖОН ШУКУРОВ
ва бошқалар.

ЧИПТАЛАР ТЕАТР КАССАСИДА СОТИЛМОҚДА.

В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университети томонидан **Содиқов Баҳодир Анварович** номига берилган НВ—940596 сонли йўқолган

ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Корхоналар, ташкилотлар ва ширкатларнинг раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

ССЖИ саноат қурилиш банкининг ЎЗБЕКИСТОН ЖУМҲУРИЯТ БАНКИ

ҲИСОБЛАШ МАРКАЗИ
ТУГАТИЛАДИ

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700000, Тошкент шаҳри, 1 Май кўчаси, 3-уй.

БЕРУНИЙ КЎЧАСИ БЎЙЛАБ

метро қурилиши олиб борилиши ва метро қурилиши минтақасидаги муҳандислик коммуникацияларини кўчириб ўтказиш зарурати юзага келганлиги туфайли **17 январь соат 9.00 дан 18 январь соат 9.00 гача Беруний, Генерал Узоқов ва Ғафуров кўчалари бўйлаб иссиқ сув ва иссиқлик бериш**

ТЎХТАТИЛАДИ.

Маълумотлар олиш учун телефон 33-32-32.

Тошкент иссиқлик тармоқлари корхонаси.

«ФЕРУЗА» ЁШЛАР МАДАНИЙ МАРКАЗИ

ТУГАТИЛДИ

Барча даъволар 1991 йил 1 февралга қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади: 700093, Тошкент шаҳри, Юнусобод даҳаси, 4-мавзе, 1-уй. Телефон 21-48-10.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 16/Iда **Икки дил достони,** 17/Iда **Масхарабозлар,** 18/Iда **Жизель.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА 15/Iда **Курорт,** 16/Iда **Хотинлар «гапи»дан чиққан ҳангома,** 17/Iда **Жар** (15.00, 19.00).

МУҚИМИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА — 16/Iда **Куёвлар конкурси,** 17/Iда **Кампир кетармиш,** 18/Iда **Паранжи сирлари.**

КИНО

15 ЯНВАРДА

Чайка — (16.00, 18.00). «РАМ ВА ЛАКХАМ».

Москва — «206 — БЎЙЛАБ» (17.00, 19.00, 20.40).

Тошкент Советининг 50 йиллиги номли — «ҚОНХЎР ХУДОЖУЙЛАР» (тоқ соатларда).

Восток — «ҚАСОС ЎТИ» (17.00, 20.00).

БЛКЁИ 30 йиллиги номли — «ҚАСОС ЎТИ» (17.00, 20.00).

16 ЯНВАРДА

Чайка —«ПИЛЛА» (11.00, 16.00), «РАМ ВА ЛАКХАМ» (13.00, 18.00).

Москва — «206 —БЎЙЛАБ» (11.00, 13.00, 15.00, 17.00, 19.00, 20.40).

Восток — «ҚАСОС ЎТИ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

БЛКЁИ 30 йиллиги номли — «ҚАСОС ЎТИ» (11.00, 14.00, 17.00, 20.00).

Киров ноҳиясидаги улгуржи-чакана мева-сабзавотлар корхонаси жамоаси корхонанинг хўжалик ишлар бўйича мудири Т. Латиповга рафиқаси **Гулсара ЛАТИПОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Собир Раҳимов ноҳияси ошхоналар тресги жамоаси савдо-тайёрлов базасининг экспедитори **Тоҳир Мадаминович МАЙРОВнинг** вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ оқшоми

Муассислар: халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши ва Ўзбекистон Коммунистик партияси Тошкент шаҳар қўмитаси

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек тилида чиқади.

79.000 нусхада чоп этилади. Индекс 64690.
Буюртма: 4728. 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.